УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
10
17 - ДЕК
ОПИСАНО

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

Қишлоқ ҳақиқати

ГАЗЕТА 1974 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

7 ДЕКАБРЬ, 1982 ЙИЛ. СЕШАНБА № 279 (2.685). Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТДАГИ АЖОИБ ҒАЛАБА МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ЙЎЛЛАГАН САМИМИЙ ТАБРИКНОМАСИДАН РУҲЛАНГАН РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА СЎЗ БЕРМОҚДАЛАР. УЛАР ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ, ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ МУТТАСИЛ КЎПАЙТИРИШНИ, УНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШНИ УЗЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧЛАРИ ДЕБ БИЛМОҚДАЛАР.

ПАРТИЯ ТАБРИГИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг республикада дав латга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият бажарилганлиги муносабати билан йўллаган илҳомбахш табриги Хоразм область Боғот районидаги «Боғот» совхози шолиқорларини ҳам янги меҳнат зафарларига чорламоқда. Юбилей йилида мўл ҳосил етиштирган «қирмизи дон» усталари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили ҳосилига ҳам пухта замин тайёрламоқдалар. Шу кунларда хўжаликда шоли майдонларини шудгор қилиш, кузги-қишки агротехник тадбирларни амалга оширишга қизғин боряпти.

Суратларда: 1. Пешқадам бригада бошлиғи Суннатулла Йўлдошев. 2. Ер шудгор қилинмоқда.

Е. Ботиров фотолари.

ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ШОН-ШАРАФ ИШИМИЗ

Бепоён мамлакатимизнинг барча халқлари сингари республикамиз меҳнаткашлари ҳам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнат ва сиёсий активликлари қудратли тўлқиндек жўш урган бир шароитда кутиб олмоқдалар. Ҳамма жойда қутлуғ байрам шарафига давом этаётган социалистик мусобақа кун сайин кенг қулоч ёзиб, миллион-миллион совет кишиларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш йўлида кўрсатаётган ватанпарварлик ҳаракатларининг ёрқин намойишига айланаётир.

Бепоён Ватанимизнинг асосий пахта базаси бўлган жонажон Ўзбекистонимиз меҳнаткашлари юбилей йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Саноатда, қурилишда, халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришилётган катта муваффақиятлар ана шу фикримизнинг далилидир. Яқинда республикамиз пахтакорлари 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этилганлиги ҳақида она-Ватанга ғалаба рапорти бердилар. Табиатнинг бу йилгидек инжиқликларига ўз маҳорат ва жасоратларини қарши қўйган республикамиз меҳнаткашлари улкан зафар қучдилар. Республиканинг ҳамма областларида давлатга дон сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар оширib бажарилди. Мўл-кўл сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштирилди. Давлатга мева-сабзавот сотиш бўйича социалистик мажбуриятлар ортиғи билан ado этилди. КПСС Марказий Комитети жонажон Ўзбекистонимиз меҳнаткашларини ажойиб ғалаба билан самимий муборакбод этди. Табрикноманинг илҳомбахш ва оташин сўзлари ҳар биримизни янгидан-янги ғалабаларга, янада улуғвор ишларни ҳал этишга руҳлантириб юборди.

Олдимизда турган вазифалар янада улуғвор. Биз пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини, шу жумладан чорвачиликни жадал ривожлантиришга даъват этилганмиз. СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун, аҳолини ҳар қачонгидан мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун курашни авж олдиришимиз, бу проблемани ғоят муҳим умумхалқ ва умумдавлат иши эканлигини тўла ҳис этган ҳолда бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ ишлашга ҳаракат қилишимиз керак.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги докладини тинглаб, атрофлича муҳокама қилди.

Ғоят ишчанлик ва юксак талабчанлик руҳида тўтган мазкур пленумда шу нарса алоҳида таъкидланди, республикада чорвачиликни жадал ривожлантириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу муҳим масала область ва район партия комитетларининг пленумларида, бюро мажлисларида, область, район ва қишлоқ Советларининг сессияларида, йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама қилинмоқда, ишлаб чиқилган тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилиши юзасидан доимий назорат қилиб борилмоқда. Беш йиллик иккинчи йилининг ўтган ойлари мобайнида чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини яхшилаш, зарбдор тармоқни тажрибали, билимдон кадрлар билан мустаҳкамлаш ва уларнинг маҳоратини ошириш, илғор тажрибани кенг оммалаштириш йўли билан чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш масалалари жойлардаги партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик органларининг диққат марказида турибди.

Жойларда амалга оширилаётган ана шу тадбирлар яхши самара бермоқда. Ўтган йилга нисбатан ҳамма турдаги чорва тўёғи ва паррандалар кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди, гўшт ва тухум етиштириш 8 процент, сут етиштириш 6 процент кўпайди. Давлатга қорақўл тери ва жун сотиш йиллик топшириқлари бажарилди. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш йиллик планлари ва мажбуриятлари муваффақиятли адо этилмоқда.

Шу билан бирга ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йил ўтган йилга нисбатан кўпроқ озуқа жамғарилди. Хашак тайёрлаш плани 112 процент, силос тайёрлаш плани —101, сервитамин ўт талқони тайёрлаш плани 103 процент бажарилди. Чорвадорлар чорва қишловига пухта ҳозирлик билан келдилар.

Бу йил республикада гўшт етиштиришни 20 процент, сут етиштиришни 15 процент, тухум етиштиришни 20 процент кўпайтириш вазифаси белгиланган. 10 ойнинг якунлари кўпгина область ва районларнинг меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга эришганликларини кўрсатиб турибди. Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона областларидаги боқувга қўйилган молларнинг вазнини 420 — 450 килограммга етказиб, сўнгра гўштга топшираётган хўжаликларнинг чорвадорлари қўлга киритаётган муваффақиятлар, айниқса қувончлидир.

Илғор районлар ва хўжаликларда тўпланган бой тажриба шуни кўрсатиб турибдики, республикамизда чорвачиликни кескин ривожлантириш учун зарур бўлган ҳамма имкониятлар бор.

Сут етиштиришни жадал кўпайтириш шу кунининг талабидир. Шунинг учун ҳам сигирлар туёғини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширib, наслини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор бериш даркор. Тошкент областидаги илғор хўжаликларнинг иш тажрибаси сермаҳсул сут чорвачилигини ривожлантиришда катта-катта имкониятлар борлигидан далолат бериб турибди. Калинин, Коммунистик, Янгийўл районларининг хўжаликлари ўн ой мобайнида ҳар бош сигирдан 3.600—3.700 килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар. Уларнинг тажрибасини барча колхоз ва совхоз чорвадорларининг мулкига айлантириш пайти келди.

Сўнгги йилларда аҳолининг шахсий хўжалигида сигирлар сони кўпайиб бораётганлиги қувонарли воқеадир. Беш йилликнинг охирига бориб колхозчилар, ишчи ва хизматчилар қўлидаги сигирлар сонини 1 миллион 100 минг бошга етказиш мўлжалланмоқда. Шунга эришилганда республикада ялпи сут олиш 4 миллион тоннани ташкил этиб, серқуёш диёримизда яшовчи ҳар бир киши ҳисобига 210 килограммдан сут етказилади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жойлардаги партия ва бошқа жамоат ташкилотлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг бу муҳим резервидан тўла фойдаланиб, ҳамма корхона ва ташкилотларда ёрдамчи хўжаликлар бўлишига эришмоқлари даркор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда чорвачиликни ривожлантириш ишида ҳали кўпгина ҳал этилмаган масалалар борлиги, колхозларда, совхозларда, бошқа давлат корхоналарида ҳам, шунингдек аҳолининг шахсий хўжаликларида ҳам бу тармоқни янада ривожлантиришнинг резерв ва имкониятлари кўплиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Лекин кўпгина хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришнинг туб масалалари етарли даражада ҳал этилмаётир. Айрим жойларда маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, хўжалик органлари зарбдор тармоқнинг моддий-техника ва ем-хашак базасини мустаҳкамлашда сусткашликка йўл қўймоқдалар. Улар чорвачиликни интенсив ривожлантиришни таъминламаётирлар, содир бўлган аҳволни яхшилаш чораларини кўрмаётирлар. Масалан, Октябрь, Уйчи, Сариосиё, Боёвут, Шуманай, Ўзбекистон ва бошқа баъзи районларда гўшт етиштириш ўтган йилдагига нисбатан камайиб кетди. Кўпгина хўжаликлар кам вазнли чорва молларини гўштга топширишда давом этмоқдалар. Норин, Шеробод, Шўрчи, Меҳнатобод, Оқолтин, Тўрткўл, Олтинариқ каби районларда эса сигирлар маҳсулдорлиги камайиб кетди.

Партия ва ҳукуматимиз республика чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантириш ҳақида оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу муносабат билан олдимизда жуда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Ўн биринчи беш йилликда республикада деҳқончилик ва чорвачиликни юксак суръатлар билан ривожлантиришнинг реал режалари белгилаб берилган. Вазифа пахтачиликни ривожлантириш билан бирга чорвачиликни ҳам жадал ривожлантиришдан, унинг мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришдан, барча хўжаликларда ишлаб чиқариш резервларидан тўла фойдаланишдан, фан, техника ютуқлари ва илғор тажрибани кенг қўлланишдан иборатдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми гўшт, сут, тухум етиштиришни оширишда, чорва ва паррандаларни кўпайтиришда ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ўстиришда масалалари жойлардаги партия, совет ва хўжалик органларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг диққат марказида туриши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Подани урчитиб кўпайтириш соҳасидаги ишларни яхшилаш, наслчилик даражасини кўтариш, саноат корхоналарида, қурилиш ва бошқа ташкилотларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишни бутун чоралар билан активлаштириш, шахсий хўжаликларни чорвачиликларига кўпроқ ғамхўрлик қилиш каби муҳим масалаларни ҳал этишда тадбиркорлик билан иш тутиш талаб қилинади.

Ҳеч шубҳа йўққи, республикамиз меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми қарорига ва ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессиясида қабул қилинган муҳим ҳужжатларга амалий иш билан жавоб бериб, чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган зарур ҳаётий тадбирларни рўёбга чиқаришда совет кишиларига хос ғайрат ва матонат кўрсатадилар, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверадилар.





ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Қутлуғ 1982 йил қувончли, унутилмас воқеаларга бой бўлмоқда. Бу йил айниқса заршуносларимиз хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Негаки, заршунослар мисли кўрилмаган қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб эл-юрт олдида берган ваъдаларининг шараф билан уддасидан чиқдилар. Она-Ватанга 6 миллион тоннадан ортиқ Ўзбекистон дурдонаси армуғон этилди!

Серқуёш диёр деҳқонларининг меҳнатдаги катта ғалабаси муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Табрикномаси йўлланганлиги қалбларимизга ғурур ва фахр ҳис-туйғуларини бахшида этди. Қувончлиси шуки, ўзбек деҳқонларининг бу ажойиб ғалабаси СССР ташкил этилганлигининг яқинлашиб келаётган 60 йиллигига берилган ғалаба салюти бўлиб янгради. Шубҳасиз, мазкур Табрикнома ҳар биримизда фахр ва ғурур ҳис-туйғуларини жўш урдириш билан бирга янада ғунмлироқ, сифатлироқ ишлашга даъват этади. Совхозимиз ишчилари бу йил ҳар назардан четда қолаётган резервларни қидириб топиб, кенг жорий этишга даъват этмоқдалар. Юбилей шарафига бошланган ўзаро мусобақа қизғин давом этмоқда. Бу ишда ҳар доим бўлганидек эл-юрт ишининг ҳақиқий жонкуярлари —коммунистлар карвонбошилик қилмоқдалар. Биз КПСС Марказий Комитетининг Табрикномасига жавобан ишлаб чиқаришни комплекс ривожлантириш, пахта сифатини яхшилаш юзасидан қабул қилинган тадбирларни изчил амалга ошираверамиз.

Э. ОЛАМБЕРГАНОВ,
Ахунбобоев районидаги «Қишлоқ» совхози партия комитетининг секретари.

ҒАЙРАТИМИЗГА ҒАЙРАТ ҚЎШМОҚДА

Республика деҳқонларининг меҳнатдаги катта ғалабаси муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашларига йўллаган табрик телеграммаси барча қатори бизнинг ҳам қувончимизга-қувонч қўшмоқда. Зеро, бу йилги оғир шароитда серқуёш диёримизнинг барча пахтакорлари қатори биз ҳам сидқидилдан меҳнат қилиб, ғоят мураккаб шароитда катта ютуқни қўлга киритдик.

Колхозимиз Ғиждувон районидаги энг кенжа хўжалик ҳисобланади. Биз райондаги машъал Энгельс номли колхоздан бу йил эрта кўкламда ажралиб чиққанмиз. Машъаллар сафида бўлиш олдимиздаги бош вазифа ҳисобланарди. Шу боисдан ҳамма бригада деҳқонлари қатори бизнинг бригада аъзолари ҳам дастлабки кундан бошлаб зиммаларига гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришдек юксак мажбурият олиб ишга киришдилар.

Пахта йиғим-терими ниҳоясига етган бугунги кунда қувончимиз чексиз. Биз эрта кўкламда берган ваъдамизнинг устидан чиқиб, гектаридан 52 центнердан хирмон кўтардик. Мусобақадош ҳамкасбларимиз С. Муҳитдинов, Х. Аҳмедовлар ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. Бу бригадаларда ҳосилдорлик гектарига 50—55 центнерни ташкил этди.

Республикамизнинг 6 миллион тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшганлигимиздан ғоят бахтиёрмиз. Республикамиз пахтакорларининг улкан ғалабаси муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг юборган Табрикномаси бизнинг ҳам ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда. Биз келгуси йил мўл ҳосилига ҳозирдан пухта тараддуд кўришга киришдик. Ҳамма экин майдонларимиз ғўзапоядан тозаланиб, икки яруси плуглар ёрдамида сифатли шудгор қилинмоқда. Арик-зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда.

С. ЖЎРАЕВА,
Ғиждувон районидаги «Партия XXVI съезди» колхозининг бригада бошлиғи.

ШАНБАЛИК ОЛДИДАН

Республика шаҳар ва қишлоқларида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбалик тобора кенг авж олмоқда.

ЧИРЧИҚ. «Ўзбекхимаш» заводидан Р. Мальцев ва Д. Ғаффоров бригадалари коммунистик шанбалик саккизта, шу жумладан пландан ташқари битта трубамашинани йиғиш, синаш ва жўнатиш учун ҳозирлашга қарор қилди. Бошқа машинасозлар ҳам юксак мажбуриятлар қабул қилишмоқда.

ТЕРМИЗ. «Совавто-Термиз» халқаро юк ташиш автомобиль корхонасининг коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 18 декабрь куни коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисида москваликлар ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлади. Ўша куни ўнлаб автомашиналар сафарга чиқиб, олти юз тонна халқ хўжалик юкини Афғонистон Демократик Республикасига етказиб беради. Ремонтчилар шанбаликда ўнта ярим прицепларни ремонт қилиб берадилар.

УЛКАН МАРРАЛАР САРИ

НУКУС, 6 декабрь. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган Пленуми КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида деҳқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш соҳасида Автоном республика партия ташкилотининг вазифаларига бағишланди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камоловнинг докладида, пленум қатнашчиларининг нутқларида шу нарса уқтириб ўтилдики, Қорақалпоғистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини астойдил маъқуллаб қолмоқдалар, шу қарорларни муваффақиятли равишда амалга оширишни ўзларининг энг муҳим бурчлари, деб билмоқдалар. Ўзбекистон деҳқонлари олган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Табрикномаси Автоном республика меҳнатчиларининг куч-ғайратларини янада жўш урдириб юборди.

Ҳозир Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши миқёсини кенгайтириш соҳасида катта иш қилинмоқда. Автоном республиканинг қишлоқ хўжалиги асосан икки йўналишда ривожланмоқда. Жанубий районларда пахта комплекси интенсивлашмоқда. Бу ерларда бўш ётган ерларни ўзлаштириш авж олдирib юборилди. Шимолий районларда эса шоли комплекси жадал ривожлантирилмоқда. Бу ерда айни вақтда гўшт етиштириладиган чорвачилик кенгайтирилмоқда, янги ихтисослаштирилган совхозлар қурилмоқда. Колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланмоқда, сув хўжалиги қурилиши ҳажмлари кенгайтирилмоқда. Шу билан бирга маблағларнинг кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилиши қишлоқ хўжалигига қилинаётган чиқимларнинг тез самара беришига тўсқинлик қилаётганлиги пленумда таъкидлаб ўтилди. Бутун куч-қувватни асосий соҳаларга сарфлаш, қаттиқ иқтисодий тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш —қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминлай оладиган резервлардир, деб таъкидлашди нотиқлар.

Пленумда ташкилий-партиявий иш масалаларига кўп эътибор берилди. Хали баъзи партия ташкилотларида юксак талабчанлик, ўзаро талабчанлик вазияти, давлат интизомини бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлик вужудга келтирилмаганлиги таъкидлаб ўтилди. Партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампаниясида танқидий мулоҳазалар ва амалий таклифлар айтилди. Бу мулоҳаза ва таклифларнинг бажарилиши қаттиқ контроллик остига олиниши керак.

Пленум Автоном республикани 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш планини ҳамда бюджети лойиҳаларини муҳокама қилиб, асосан тасдиқлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Л. Н. Мелкумов нутқ сўзлади.

* * *

УРГАНЧ, 6 декабрь. (ЎзТАГ). Хоразм область партия комитети пленумининг қатнашчилари область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Обкомнинг биринчи секретари М. Худойберганов доклад қилди.

Докладда ва нутқларда уқтириб ўтилдики, Хоразм меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақаларда катта натижаларга эришдилар. Область саноат корхоналари графикдан ўзиб ишламоқдалар. Деҳқонлар ҳаддан ташқари аёвсиз сув тақчиллигини бартараф этиб, оширилган социалистик мажбуриятларни республикада пешқадамлар қатори бажардилар. Шоликорлар ва маккажўхорикорлар, қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнатчиларни яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Шу билан бирга нотиқлар ноябрь Пленуми талаблари асосида қилинган ишни таҳлил этиб, ҳали барча мавжуд резервлар ҳам ишга солинмаганлигини уқтириб ўтдилар. Айрим саноат корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан белгиланган планларни бажармаяптилар, техниканы янгилашда сусткашлик қилмоқдалар. Капитал қурилишда қолоқликка йўл қўйилмоқда, аҳолига хизмат қилувчи транспорт, корхона ва ташкилотлар ишида камчиликлар бор.

Областда аграр-саноат комплексининг зарур моддий-техникавий базаси вужудга келтирилганлиги, пахта, бошқа экинлардан муттасил мўл ҳосил олиш, чорвачиликни индустриал изга ўтказиш тажрибаси орттирилганлиги уқтириб ўтилди. Илғор тажрибани барча деҳқонлар ва чорвадорлар мулкига тезроқ айлантириш лозим.

Беш йилликнинг учинчи йилида хоразмликлар мураккаб вазифаларни ҳал қилишлари керак. Мўлжалланган марраларга фақат фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, бошқарув усулларини такомиллаштириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин.

Сўзга чиққан нотиқлар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий иши савияларини янада ошириш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар. Область қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. К. Михайлов нутқ сўзлади.

* * *

ТЕРМИЗ. 6 декабрь. (ЎзТАГ). Сурхондарё областининг коммунистлари, барча меҳнатчилари ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган планларни амалга ошириш учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. К. Михайлов нутқ сўзлади.

* * *

ТЕРМИЗ. 6 декабрь. (ЎзТАГ). Сурхондарё областининг коммунистлари, барча меҳнатчилари ўн биринчи беш йилликка мўлжалланган планларни амалга ошириш учун курашдаги куч-ғайратларни кўпайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди. Область партия комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда гапирилди. Пленум қатнашчилари область партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини жанговар ҳаракат программаси, деб қабул қилганликларини айтиб ўтдилар.

Область саноат ходимлари ўн бир ойлик планни муддатидан илгари бажарганликлари мамнуният билан қайд этилди. Капитал қурилиш ҳажми ва асосий фондларни ишга тушириш анча кўпайди, транспорт, алоқа, маиший хизмат иши яхшиланди. Пахтакорлар республика хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар. Маккажўхори дони ва шоли етиштириш планлари ошириб бажарилди.

Пленум қатнашчилари фойдаланилмаётган резервларга катта эътибор бердилар. Деҳқончиликда ингичка толали пахта етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида кўп иш қилиниши лозим. Ғаллачиликда экинзорларни янада кенгайтириш ҳамда маккажўхори ва шоли ҳосилдорлигини оширишга куч-ғайрат сарфланади.

Пленум қатнашчилари чорвачиликни ривожлантириш суръатлари ҳали етарли даражада юқори эмаслигини кўрсатиб ўтдилар. Бир қанча хўжаликларда чорва маҳсулдорлиги паст, унинг туёғи суст кўпаймоқда. Коммунистлар яқинда ташкил этилган бешта дон-чорвачилик совхозининг қувватини тезроқ ишга туширишни таъминлашни контроль остига олишлари зарур.

Пленумда саноат, қурилишдаги, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ишларнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш тўғрисида ҳам гапларшиб олинди. Беш йиллик учун белгиланган планларни ва олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш мақсадида олиб борилаётган мусобақага бошчилик қилиш коммунистларнинг бурчи эканлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди.

СССР 60

ПАХТА ВА УНИНГ ТАҚДИРИ

Коммунистик партия ва совет халқи иродаси билан Ўрта Осиёда қандай қилиб қудратли пахта базаси вужудга келтирилганлиги ҳақида ҳикоя. Революцияга қадар ҳаммаси бўлиб 500 минг тонна атрофида пахта етиштирган Ўзбекистон ҳозирги пайтда мамлакатга ҳар йили муттасил 6.000.000 тоннадан «оқ олтин» етказиб бермоқда.

КРЕМЛЬ. Йигирма биринчи йил. Сентябрь ойининг ўн учинчи куни.

Владимир Ильичнинг руҳи тетик, бутун фикри бир нуқтага жамланган. Сўз марвариди сатрма-сатр қуйилади. Ҳал этилиши лозим бўлган ишлар ва муаммолар уйилиб ётибди. Ильич уларнинг орасидан жазирама иссиқ, сувсизлик, очлик азобини тортаётган, қашшоқликдан эзилган Ўрта Осиё регионига доир муаммони ажратиб олади. Туркистон бўйича ишлар комиссиясининг раиси ва РКП Марказий Комитети Туркбюросига хат:

«Маҳаллий халқларнинг ишончини қозониш, қозонганда ҳам уч ва тўрт карра қозониш, бизлар империалистлар эмаслигимизни, бизлар империализм томонига оғиб кетишга асло йўл қўймаслигимизни исботлаш бизнинг бутун жаҳоншумул сиёсатимиз учун ғоят муҳим. Бу — жаҳоншумул масала, муболағасиз жаҳоншумул масаладир».

Ленин томонидан белгиланган ягона тўғри йўл — бепоён ўлканинг сиёсий, ҳарбий, хўжалик проблемаларини бир-бирига боғлиқ тарзда ҳал этишдан иборат. Қуйидагиларни унутмаслик, ҳар куни таъсир кўрсатиш, ҳар куни хабардор қилиб туриш лозим:

«Фарғонадаги фронтлар? Босмачилик?»

«Пахта? Унинг тақдири?»

Пахта тақдири — аҳоли тиғиз жойлашган Туркистон асосий соҳасининг тақдиридир!

1.

Ленин бу ўлка коммунистларига мурожаат қилиб шундай вазифа қўйган эди:

«Деҳқонлар аҳволини дарҳол яхшилашга ҳаракат қилмоқ ва электрлаштириш, суғориш соҳасида катта ишларни бошлаб юбормоқ лозим. Суғориш ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурдир ва у ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».

В. И. Ленин ўн саккизинчи йилнинг май ойида Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги тарихий Декретга имзо чекди. Уруш ва вайроналиклар туфайли ҳолдан тойилганига қарамай Мирзачўлни, бошқа саҳро массивларини ўзлаштириш ва пахтазорларни кенгайтириш учун давлат хазинасидан дастлабки 50 миллион сўм ажратилди.

Шу кунни эсга олайлик: бинобарин замонавий Мирзачўл ва унинг ортидан ўзлаштирилган Сурхон-Шеробод, Қарши, Жиззах даштлари, Марказий Фарғона, Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухородаги саҳроларнинг қайта туғилиш тарихи худди шу кундан бошланади. Ўзбекистон ва бошқа пахтакор республикаларнинг ҳар қандай зонасидаги катта-кичик саҳроларнинг қайта туғилиш тарихи ҳамдир.

Пахта ва унинг тақдири...

Йигирманчи ва ундан кейинги йилларда Ильич мамлакат учун ўткир бўлган бу проблемага кўп марталаб қайтган эди. У тўқимачилик саноати ишчилари касаба союзи съезди, конференцияларда, Марказий Комитет ва Совнарком мажлисларида, йиғилишларида пахта ҳақида ташвиш ва ишонч билан гапирган. Туркистон ва Озарбайжонда пахтачиликни тиклаш тўғрисидаги, тармоқни ривожлантиришнинг беш йиллик планини ишлаб чиқиш тўғрисидаги, Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида «Главхлопкопром»ни ташкил этиш тўғрисидаги, пахтачилик, пахта тозалаш саноати ва пахта тайёрлашни давлат томонидан ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда Лениннинг имзоси бор. Унинг кўрсатмасига биноан пахтачилик билан шуғулланувчи коллектив ва шахсий хўжаликларга ер ва сувдан фойдаланишда, уларни уруғлик, ўғитлар, асбоб-ускуналар, товар ва озиқ-овқатлар билан таъминлашда енгилликлар берилди.

Ленинча сиёсатдан, коммунистлар ибрати, Россия ишчиларининг ёрдамидан руҳланган деҳқонлар қимматли маҳсулот етиштиришни мавсумдан-мавсумга кўпайтира бордилар ва йигирманчи йилларнинг охирига келиб, мамлакатда пахта мустақиллигига эришилишига ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

Пахта ва унинг тақдири...

Бу ҳам социал, ҳам хўжалик ишидир. Пахта етиштириш ҳар йили ўнлаб, кейин эллик, юз ва икки юз минг тонналаб кўпая бориши пахтакорлар билан бирга бутун мамлакат ишлаган программавий тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Катта Фарғона каналидан бошлаб, мана қирқ йилдан кўпроқки, умумхалқ ирригация қурилишлари эпопеяси, адир ва қумликларга ҳужум, суғориладиган янги районлар, ихтисослаштирилган пахтачилик совхозлари, кўриқ посёлкалари ва шаҳарлар бунёд этиш давом этмоқда. Ҳозир экин майдонларининг кенгайиши миллион гектарлар билан, канал ва коллекторларнинг узунлиги юз минг километрлар билан, сунъий денгизларнинг сиғими эса миллиард кубометрлар билан ўлчанади. Фақат Ўзбекистон пахтазорларидагина қарийб ярим миллион қишлоқ хўжалик техникаси ишламоқда. Ғўзани дефолиация қилиш пайтида қишлоқ хўжалик авиациясининг етти юз самолёти экинларга ишлов беради. Республика колхоз ва совхозлари ҳар йили тупроққа қарийб беш миллион тонна минерал ўғитлар ва йигирма беш миллион тонна органик ўғит соладилар.

Қадимда оми, саводсиз, қора ишчи бўлган ўзбек қишлоқлари шундай ўзгардики, эндиликда уларни ўтмишга таққослашнинг ҳам иложи қолмади. Эндиликда қишлоқларнинг саводхон, тўқ, сиҳат-саломат яшаётганликларини гапириб ўтирмайдилар, балки ишлаб чиқаришда банд бўлган қарийб ҳар бир киши ўрта махсус таълимга ва замонавий касблардан бирига эга эканлиги таъкидланади. Пахтакорларнинг кўпчилиги механизаторлар ва сувчилардир. Қўриқда эса ҳамма шу касблар соҳиби. Статистика маълумотларига кўра, ўзбек қишлоқларидаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида етмишдан зиёд мутахассисликлар бўйича кадрлар ишламоқда. Уларнинг орасида олий малакали мутахассислар оз эмас.

Илмий отряд бошқа ишлаб чиқариш отрядлари сингари агросаноат комплексининг актив кучи бўлиб қолди. Ўзбекистон пахтачилик бўйича Бутуниттифоқ илмий маркази ҳисобланади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Унинг илмий-тадқиқот институтлари координаторлик ролини ўйнаб, тармоқни интенсивлаш, пахта майдонларида самарали алмашлаб экиш, ҳосил етиштириш ва уни йиғиштириб олишнинг индустриал технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ғўза селекцияси ва уруғчилиги, нав янгилаш, ҳосилни биологик усулда ҳимоя қилиш усулларини жорий этиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Ҳозиргача беш марта нав алмаштирилди. Бу беш босқич кўсакларнинг салмоғини икки ҳисса оширди, тола узунлиги ва сифатини яхшилади. Олимлар ва конструкторлар сершох ғўзалардан пахта териб оладиган машина яратдилар. Албатта, ҳамма ҳосилни эмас, фақат очилганини. Пневмопроводлар бўйлаб момиқ пахталар бункерларга келиб тушади. Момиқ хомашё дарҳол пастга тушмайди, балки қуюндек бункер деворларига урилади. Бамисоли эркинликка ва ўзининг етим қолган ғўзасига интилгандек бункернинг гоҳ у деворига, гоҳ бу деворига урилади. Аммо ортга йўл йўқ. Бир неча мавсумлардан буён ҳар ўн тонна ҳосилнинг олти-етти тоннаси пўлат этаклардан, тошкентлик ва мирзачўллик механизаторлар эса саккиз тоннасини пўлат этаклардан бўшатмоқдалар!

Республика ўзининг улкан «оқ олтин» чўққиларига ана шу тарзда яқинлашди. 1924 йилда 209 минг тонна пахта тайёрланган бўлса, ҳозир мавсумнинг қизғин пайтида бир кунда 200 минг тонна пахта тайёрланмоқда! Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи ва иккинчи йилларида 6.000.000 тоннадан пахта тайёрланди. Экин майдонлари атиги тўрт марта кенгайган бўлса-да, ўртача йиллик хом ашё етиштириш ўн бир баравар кўпайди. Ҳосилдорлик уч карра ортди. Бизда ҳали биророта экин бундай юксалишга эришмаган. Ана шу юксалишга пахтакор республикаларнинг ҳаммаси — Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон тўла дахлдордир.

Пахта ўз ортидан бутун қишлоқ хўжалик комплексини эргаштириб боряпти. Ҳозир Ўзбекистон мамлакатда етиштирилаётган пахтанинг 66 процентини, пахтачиликда ишлатиладиган тракторларнинг 100 процентини, пахта териш, кўрак чувиш машиналари, чигит экиш сеялкаларининг 100 процентини, пахта тозалаш асбоб-ускуналарининг ўндан тўққиз қисмини ишлаб чиқармоқда.

Совет пахтачилигининг халқаро майдондаги мавқеи қандай? Америкада чиқадиган «Жаҳон пахтачилиги» журнали (12-сон, 1981 йил) ана шу қимматбаҳо хом ашёни етиштирувчи икки мамлакат бўйича ёзган маълумотларни келтириб ўтамиз. Икки йил мобайнида (1980 — 1981 йиллар) СССРда пахта толасининг ялпи миқдори 6 миллион 71 минг тоннани, ҳосилдорлик эса гектарига 9,6 центнерни ташкил этди. АҚШда ана шу вақт мобайнида гектаридан 5,3 центнердан тола олиниб, жами 5 миллион 825 минг тонна тола тайёрланди.

Мана, Ильичнинг суғориш ҳақидаги, пахта ҳақидаги, унинг тақдири ҳақидаги доҳиёна сўзлари нималарга олиб келди.

2.

Пахта ва унинг тақдири...

Унинг тақдири турлича бўлади. Омадли ва бир мунча омадсиз йиллар ҳам учраб туради. Аммо ўтган икки ўн йиллик мобайнида Ўзбекистонда пахта етиштириш икки ҳисса кўпайди. Бунда ўсишнинг учдан икки ҳиссасига ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Ана шу давр мобайнида республика уч марта Совет Иттифоқининг орденига сазовор бўлгани тасодифий эмас, унинг байроғида эса бешта олий мукофот порлаб турибди. Ўзбекистоннинг юз минглаб меҳнаткашлари ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Бу йил сўнгги пайтлардаги энг оғир йил бўлди. Агар мустаҳкам материал-техника базаси бўлмаганда, ундан оқилона фойдаланилмаганда эди, илгари табиат офатлари келтирган ҳоллар рўй бериши мумкин эди. Революцияга қадар деҳқон экинзори ҳар уч-тўрт йилда сувсиз қолар, афғон гармселида куйиб кетар ёки кузги ёғингарчиликлар остида чирир эди.

Саксон биринчи йилнинг кузидаёқ регионал гидрометеорологик марказ турли инстанцияларга ташвишли прогнозларни, баъзида довул бўлишидан огоҳлантирувчи маълумотларни юбора бошлади. Маълум бўлишича, қурғоқликда ҳам довул содир бўлиши мумкин экан. Довул океан кенгликларида сув тўлқинларини силсилага келтирса, Ўрта Осиёга ўхшаш қитъаларда экинларни учириб ёки ювиб кетади, далалар, боғлар, чорвачилик фермалари, аҳоли пунктлари, кўприклар ва темир йўл магистралларига сел ёпирилиб келади.

Аммо пахтачилик минтақаси учун сув танқислиги янада даҳшатлидир. Мартдан сентябргача Ўзбекистон осмонида биронта ҳам булут пайдо бўлмади, ерга бир томчи ҳам ёмғир тушмади. Тонгдан шомгача қуёш аёвсиз қиздириб турди. Июлда, ғўзанинг ўрта ярусида кўсак шаклланадиган даврда тупроқ юзасида ҳарорат 55 даражадан ошди. Мева элементлари тўкилиб, ўсимликлар анчагина ҳосилдан маҳрум бўлди. Суғориладиган майдонларда жойлашган пахтазорлар учун магистраль каналлардан об-ҳаёт нормал келиб турганда эди, ташвишлар юз бермасди. Аммо шундай бўлмади. Аввалига табиий ўтлар ва ўтлоқлар, сўнгра лалми экинлар, тоғлардаги энг яхши боғ ва токзорлар зиён кўрди. Ана шу экинлардан ҳосил олиб бўлмаслиги апрель-май ойларидаёқ маълум бўлиб қолганди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Худди осмон билан келишиб олгандек тоғлардаги қор массивлари, музликлар ҳам сувни хасислик билан берди. Қишда қор кам ёғди, Ўрта Осиё водийлари ва чўллари оқ пўстин билан лозим даражада ёпинмади. Кўп йиллик ўртача нормага нисбатан магистраль манбалардаги сув икки-уч баравар қисқарди. Ҳатто сув омборларини тўлдиришнинг иложи бўлмади. Амударё этакларида кеч куз ёки қишда ерларга яхоб бериш тугул баҳорда шўр ювиш учун ҳам сув етишмади. Ёзда бу қудратли дарёда сув сатҳи қарийб икки баравар пасайиб кетди. Ундаги сувнинг ҳаммаси экинзорларга тақсимланди. Амударё Орол денгизигача оқиб бормади, унинг сатҳи бир йил ичида қирқ сантиметр пасайди.

Бундай шароитда экинзорлари дарёнинг қуйи оқимида жойлашган қорақалпоғистонлик деҳқонларга ҳаммадан кўра оғир бўлади. Ўзбекистоннинг энг шимолидаги Чимбой райони хўжаликлари каналлардан уч-тўрт ҳафталаб сув ололмади ва далаларни зовурларнинг минераллашган суви билан суғоришга мажбур бўлдилар. Бошқа хўжаликлар шошилинч равишда кўллардан ариқ чиқардилар ва суғориш олдидан чучук сув билан шўр сувни аралаштирдилар. Автоном республиканинг колхоз ва совхозлари мелиоратив каналлар ва дельта кўллари соҳилларига олти юздан зиёд сув кўтарувчи мосламалар ўрнатдилар.

Қорақалпоғистонлик пахтакорларнинг маҳоратига фақат ҳайратланиш мумкин. Тупроқда нам танқислиги сабабли чигитни ҳамма жойда ундириб олишнинг иложи бўлмади ва катта майдонларга уруғни кеч муддатларда қайта экишга тўғри келди. Ўша кунларда мен Беруний районида бўлиб, ўн бир хўжаликнинг ҳаммасида механизаторлар кечаю кундуз ишлаётганини, экинларни чуқур культивация қилиб, мурғак ниҳолларга нам етказиб беришга интилганликларини кўрганман. Ўшанда, йиғим-терим пайтидагидек область партия комитетининг биринчи секретари Қаллибек Камолов ҳафталаб далалардан кетмади. Бошқа раҳбарлар ва мутахассислар ҳам ундан ибрат олдилар. Энг ишбилармон кишилар зарур пайтда механизаторлар ва сувчилар ёнида бўлишди. Улар маслаҳатлари, тажрибалари, ишларни ташкил этишда шахсий иштироклари билан ёрдам бердилар, оддий меҳнаткашларнинг оғир юмушларини биргаликда баҳам кўрдилар. Автоном республикада чигит экиш Ўзбекистон бўйича энг охирда ниҳоясига етказилган бўлса-да, йиғим-терим биринчилар қаторида бошланди. Бу ерда ёз сув танқислиги ҳақидаги гаплар билан ўтказилмади, балки барча манбалардан, шу жумладан артезиан қудуқларининг сувларидан, чиритилган гўнг ва сув аралашмаси — «шарбат»дан, шароитга мос келадиган барча агротехника усулларидан собитқадамлик билан фойдаланилди.

Бешинчи ноябрда Қорақалпоғистон давлатга пахта сотиш планини бажарди. Ҳозиргача эса 437 минг тонна пахта топширди, бу пландагидан 37 минг тонна кўпдир. Ҳосилнинг олтмиш процентдан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди, барча кўрсаткичлар, шу жумладан қабул қилинган хом ашёнинг нави ҳам ўтган йиллардагига нисбатан анча юқори бўлди. Шуниси характерлики, ўн икки районнинг ҳаммаси топшириқни уддалади ва ёғингарчиликлар бўлишига, кейинги ҳафталарда эса қор ёғишига ҳам қарамай, барча хўжаликлар ноябрь ойида планга қўшимча ҳосил топширдилар.

Мисол учун Қорақалпоғистон тасодифан танланмади. Бу мамлакатнинг энг шимолий пахтачилик райони — баҳор кеч келадиган, куз эса эрта тушадиган, катта майдонларни шўр босган зонадир. Булардан ташқари бу ер Ўзбекистоннинг асосий шоли базаси ҳамдир. Қорақалпоғистон меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик, матонат, қийинчиликларни моҳирона енгиш намуналарини кўрсатдилар.

Бутун мавсум мобайнида ирригаторларнинг ҳам аъло меҳнат қилганлигини айтиб ўтиш лозим. Улар серсув ва камсув системаларни кичик каналлар билан бирлаштирдилар, табиий кўлларнинг сувини ариқларга оқиздилар, минераллашган сувни кўтариш учун зовурлар ёқасига қарийб 30 минг насос ўрнатдилар, энг қурғоқчил ерларда юзлаб қўшимча артезиан қудуқлари пармаладилар.

3.

Пахта ва унинг тақдири...

Замонавий технологияни иккиланмасдан қўлланадиган, ундан чекинмайдиган кишилар ютиб чиқишини бу йил яна бир бор исбот этди. Ишга садоқат ва бурчга садоқат яққол кўринди. Мавжуд шароитга мос келадиган йиғим-теримнинг бу усули ҳар бир далада қўлланилди.

Биз тошкентлик пахтакорларнинг муваффақиятлари тўғрисида кўп марта гапирганмиз. Ваҳоланки, бу областнинг шароити қўшниларники билан баравар — ери бир, осмони бир. Тошкентлик деҳқонларнинг пахта тайёрлаш планини муваффақиятли адо этиши — йил бўйи далаларда қилинган меҳнатнинггина эмас, балки барча ишлаб чиқариш бўғинларининг ғайрати самарасидир. Барча техниканинг ҳамиша ишга шай туриши, ҳосилни етиштириш ва йиғиб-териб олишнинг индустриал технологиясига қатъий риоя қилиш, бундай технологияни агрономик жиҳатдан таъминлаш — ана шунинг реал кўринишидир. Тошкентлик деҳқонлар ҳар бир жараёнда самарага эришадилар. Экиш агрегатларидан ёппасига фойдаланиш, чигит экишни бир ҳафтада тугаллаш имконини берди. Ерга ўз вақтида яхоб бериш, уруғни тупроқнинг табиий намига ундириб олишни таъминлади. Уруғни аниқ миқдорда сеялкалар билан экиш ва иложи борича пуштага ташлаш кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган жараён — яганалашдан халос қилди. Қатор ораларига ишлов беришнинг тиғиз цикллари, гербицидлардан, ўсимлик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик воситаларидан, ўрта ярусдаги ҳосил элементларини сақлаб қолиш усулларидан механизациялаштирилган чеканкадан фойдаланиш, асосан ер аппаратлари билан тезкор дефолиация ўтказиш ҳосилнинг эрта ва ёппасига пишиб-етилишини таъминлади.

Ғўзанинг барги қарийб одатдаги муддатларда тўкилди, пахта териш машиналари ҳам одатдаги муддатларда далаларга чиқди. Мавсумнинг учинчи кунидаёқ 2.800 агрегатнинг ҳаммаси далаларда ишлай бошлади. Тўртинчи суткада хом ашё тайёрлашнинг кунлик ўсиши тўрт процентгача, кейин беш ва олти процентгача кўтарилди. Бўка районида бу кўрсаткич икки баравар юқори бўлди. Район давлатга пахта топшириш планини икки ҳафтадаёқ уддалади, область учун эса уч ҳафтадан сал кўпроқ вақт кифоя қилди. Барвақт содир бўлган ёғингарчиликлар юзага келтирган қийинчиликларга қарамай, Тошкент области механизаторлари ҳосилнинг 80 процентини машиналар ёрдамида териб олдилар! Умуман, область давлатга 470 минг тонна хом ашё сотди, ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортга қабул қилинди.

Октябрнинг бошланишигача республика қарийб уч миллион тонна пахта тайёрлади. Механик-ҳайдовчилар ва теримчилар катта ғайрат билан меҳнат қилдилар. Ўрта Осиё кенгликларига циклон яқинлашиб келаётганлиги тўғрисидаги прогнозларга камдан-кам одам ишонди. Афсуслар бўлсинки, бу галги огоҳлантириш рост бўлиб чиқди: октябрнинг ўн олти куни ва ноябрнинг қарийб ҳамма кунида катта ва кичик ёғингарчиликлар бўлди, қор ёғди, ҳарорат минусли белгиларгача пасайиб кетди. Октябрнинг ўртасида республика Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларга шундай мурожаат қилди: «Меҳнат қилиш қўлидан келган ҳар бир киши бугун «оқ олтин» теримчилари сафида бўлиши керак. Ҳозир биз ҳаммамиз «оқ олтин» теримининг талабчан қонунлари асосида яшашимиз ва ишлашимиз лозим. Ҳеч кимнинг бурчи ва виждони энг асосий ишимиздан — сув танқислиги ва об-ҳаво инжиқликларининг жуда қийин шароитларида етиштирилган мўл ҳосилни тўла-тўкис териб олишдан четда қолишга йўл бермайди».

Аввалги йиллардагидек бу йил ҳам район марказларининг аҳолиси, посёлкалар, шаҳарларнинг ишчилари колхоз ва совхозларга ёрдамга келдилар. Бу гал ҳар бир оила пахта учун курашда чинакам иштирок этди. Шу кунларда партия ходимларининг — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовдан то бошланғич партия ташкилотлари ва партия группаларининг секретарларигача — асосий иши мавсумнинг юзлаб ва минглаб иштирокчиларига ғамхўрлик кўрсатиш бўлди. Чунки пахта қанчалик қимматбаҳо бўлмасин, инсоннинг ўзи ҳамма нарсадан қадрли. Студентлар ва шаҳарликлар колхозчилар сингари куртка, кирза этик, иссиқ телпак ва қўлқоп кийиб олдилар. Тушки иссиқ овқат даланинг ўзига олиб келинди. Ҳар бир корхона, ташкилот, олий ўқув юрти ўзининг теримчи десантчиларига ҳар куни озиқ-овқат, иссиқ кийим-бош етказиб турди, кечки дам олиш учун эса кинофильмлар ва концерт группалари юборилди.

Тошкент шаҳридаги оталиқ ташкилотлари юз минг тоннадан зиёд пахта тердилар. Самарқанд, Бухоро, Нукус, Андижон, Фарғона, Наманган, Урганч — буларнинг ҳам ҳар бири ҳисобида ўн минг тонналаб терилган пахта бор. Одатда ҳосилни ҳашарчилар ёрдамисиз йиғиб-териб оладиган, планни машина терими ҳисобига бажарувчи Оқолтин райони бу йилги кузда далаларни ҳосилдан тозалаш учун тошкентлик студентлар отрядини қабул қилди. Бир мисқол ҳам пахта ерда қолдирилмай териб олиниб, оширилган топшириқ ҳисобига тўрт минг тонна пахта топширилди. Бу кўпми ёки оз: тўрт минг тонна қўшимча хом ашёдан саноатимиз 25 миллион метрдан зиёд газлама тайёрлайди, юзлаб тонна ёғ ва минг тоннадан зиёд шелуха ва бошқа озуқалар олинади.

Фарғона водийсида ҳатто ноябрнинг ўртасида, ёмғир қорга айланганда ҳам кунлик хом ашё топшириш 10—11 минг тоннадан ошиқ бўлди. Ана шунинг ярми машиналар билан териб олинди. Юз минглаб теримчилар ҳар куни хирмонга 15—20 килограммдан пахта тўкишди. Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткўл районида ҳар бир механик-ҳайдовчи бир ярим сменалик нормани бажарди ва агрегатларнинг мавсумий иш унумини 140 тоннага етказди. Қўрғонтепа, Хўжаобод ва Жалолқудуқ районларининг пахтакорларига ёрдамга келган Андижон медицина институти коллективи 12 минг тонна хом ашё — ҳар бир студент 3 тоннадан пахта терди. Бўз районидан қаҳрамон она опа-сингил Эсоновалар икки мавсум нормасини адо этдилар. Москва районидаги «Ленинград» колхозидан опа-сингил комсомоллар Фароғат ва Раъно Абдуллаевалар 16 тоннадан дурдона тердилар. Гагарин районидаги «Навбаҳор» совхозидан тўрт ака-ука Сафаровлар — Абдумўмин, Абдураҳим, Абдумурод ва Нурматлар ўнинчи ноябргача ўзларига бириктирилган тўртта пахта териш агрегати бункеридан 1.200 тонна дурдона бўшатдилар. Қатор оралари лой бўлиб, техника юролмай қолган пайтда эса ака-укалар белларига этак боғлаб теримчилар қаторидан жой олдилар.

Бурч ва виждон республиканинг барча меҳнаткашларини вахтага чорлади. Бундан ҳеч ким четда қолмади! Навоий областининг Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозида истиқомат қилувчи Латиф Жалолов эрталаб радиодан республикада пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотни эшитди ва рафиқасига қайғуриб гапирди:

— Ёрдам бериш керак, кўпи кетиб ози қолди, ҳадемай республикамиз планни дўндиради. Яна бир-икки марта ҳашарга чиқайлик. Барча чиқяпти, биз ҳам четда қолмайлик.

Октябрдан бошлаб Латиф ота, Вазира опа, қизлари Замира, Зуҳра, Раъно, ўғли Тоҳир ҳар куни эрталаб колхоз пахтазорига йўл оладиган бўлди. Ҳозир уларнинг ҳисобида 52 тонна терилган пахта бор.

Ўзбекистонда бундай оилалар минглаб, ўн минглаб топилади. Улар пахтанинг чаноғини ҳам, мисқолини ҳам ерда қолдирмадилар.

4.

Бу йилги мавсум ўтган йилнинг кузидаёқ бошланган «Оқ олтин»га — олий сифат!» шиори остида ўтди. Марказий Комитет, область ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, республиканинг тайёрлов ва пахта қайта ишлаш корхоналари кунма-кун — чигит экилгунга қадар, вегетацион ишлов бериш даврида, мавсумолди ва терим мавсуми даврида сифатли ҳосил яратиш, пахтанинг юксак табиий хусусиятларини сақлаб қолиш борасида иш олиб бордилар.

Программани амалга ошириш сари уруғлик материал тайёрлаш борасидаги тадбирлардан бошланди. Уруғчиликни ихтисослашган саноат асосига қўйиш талаб қилинарди. Пахта уруғчилиги билан шуғулланувчи республика бирлашмаси ва республиканинг ҳар бир областида шунга ўхшаш бирлашмалар ишлай бошлади. Уларга қарийб юз уруғчилик колхозлари ва совхозлари ҳамда юқори навли уруғлик материаллари ишлаб чиқарувчи ўн тўққиз пахта заводи бириктирилди. Баҳорга келибоқ «Қизил Равот» уруғчилик совхози ва унинг пахта заводи қўшни районларни биринчи репродукцияли маҳаллий нав сара уруғлик билан таъминлади. Ўзбекистоннинг навли пахта уруғи тайёрлаш саноати дастлабки йилиёқ хўжаликларга уруғлик материалларнинг қарийб ярмини етказиб берди. Келаси йил улар колхоз ва совхозларни юқори кондицияли уруғлик билан таъминлаш мажбуриятини батамом ўз зиммаларига олишади.

Сўз кейинги йилларда бош мавзу бўлиб қолган навлар ҳақидагина кетаётгани йўқ. Улар вилтга тобора тезроқ чалиниб қоляпти, ҳамма жойда қайта ишлаш корхоналарининг нормативларига жавоб бераётир, деб бўлмайди. Бу йил юз минглаб гектарлар билан ўлчанадиган катта майдонларда ўн икки янги истиқболли нав, шу жумладан Қорақалпоғистон, Андижон, Самарқанд, Урганч селекционерлари яратган навлар синаб кўрилди ва кўпайтирилди.

Пахтачилик агротехникасининг ўзида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. Туксизлантирилган чигитни ёппасига аниқ миқдорда экиш, уруғни пушта устига ташлаш, уруғ экиш билан бир пайтда тупроққа азотли ўғитлар ва гербицид солишни янада кенгроқ кўламда ишлатиш, азот, фосфор ва калийнинг янада мақбул нисбатлари, ўғитлар аралашмасида органиканинг ҳиссасини кўпайтириш, шарбат усулида суғориш, йиғим-теримга тайёрланиш ва энг аввало экинзорларни бегона ўтлардан тозалаш, терим агрегатларини герметизация қилиш ва ростлашга янада талабчан муносабатда бўлиш — шуларнинг ҳаммаси хом ашё сифатига яхши таъсир кўрсатди.

Ингичка толали пахтадан 462 минг тонна тайёрланди бу пландагидан 72 минг тонна кўпдир. Биринчи марта ана шундай натижага эришилди. Бу муваффақиятга Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг ипак пахта усталари энг салмоқли ҳисса қўшдилар. Олий навли хом ашё етиштиришга ихтисослашган Жарқўрғон райони 42 центнердан ҳосил кўтарди! Мана бу факт ҳам олимлар диққатини жалб этишга лойиқ: бу йилги мураккаб шароитда ингичка толали пахта ҳосилдорлиги республика бўйича гектарига 32 центнерни ташкил этди. Бултур эса бу кўрсаткич 26,5 центнер эди. Етакчи Сурхондарё областида бу кўрсаткич 36 центнерни, Навоий областида эса 37 центнердан кўпроқни ташкил этди. Ингичка толали пахтанинг қурғоқчиликка ғоят бардошли ва ўртача минераллашган сув билан суғоришга яхши мослаша олиш қобилияти йирик масштабли ишлаб чиқариш практикасида яна бир бор исботланди. Бинобарин, бу ана шу экинни янада кўпайтириш учун яхши даъват.

Пахта конвейери дала билангина чекланмайди. У тайёрлов пунктида, пахта заводи ва тўқимачилик комбинатида ҳам давом этади. Иттифоқ Енгил саноат министрлиги ва республика Пахта тозалаш саноати министрлиги адресига айтилган танқид ва таклифлар шунчаки қолиб кетмади. Хом ашёни қабул қилиш, сақлаш, дастлабки қайта ишлашдаги нуқсонлар қандайдир даражада бартараф этилди. Тайёрлов пунктларини янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни бошлаш, ҳосилни бригадалар бўйича қабул қилиб олишни кенгайтириш пахтага, демак деҳқон меҳнатига ҳам объектив баҳо беришга ўтилаётганидан дарак беради.

Қуритиш-тозалаш цехларининг сонини кўпайтириш, маънавий эскирган технологик ускуналарни алмаштириш, пахта ва уруғлик сақланадиган бостирмалар ва омборлар қуриш бўйича дастлабки қадамлар журъатсизлик билан, эҳтиёткорона қўйилган бўлса-да, айтиш мумкинки, бу борада муз ўрнидан кўчди. Конвейернинг муҳим звеноси — тайёрлаш тармоқлари ва пахтани дастлабки қайта ишлаш саноатида жадал ўзгаришлар бўлишини пахтакорлар сабрсизлик билан кутаётганлигини тушуниш қийин эмас. Асосий мақсад — қайта ишлашни ҳозирги ўн-ўн бир ой ўрнига беш-олти ойгача келтиришдир.

Шу қийин йилда бақувват агросаноат бирлашмалари ташкил этиш борасида республика партия ташкилоти тутган йўл ўзини тўла оқлади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати А. Одилов раҳбарлик қилаётган Ленин номидаги Поп агросаноат бирлашмаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш борасида давлат планини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарди. Мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан олинган пахта ҳосили 41 центнердан ошди, бирлашманинг бош хўжалиги — Ленин номли совхозда эса 45,8 центнердан ҳосил олинди. Фақат яқингинада ташкил этилган қўриқ «Навбаҳор» совхози 5 минг тонна хом ашё берди. Бирлашма бўйича гектаридан ўртача 113 центнердан маккажўхори дони, 230 центнердан беда пичани олинди. Гўшт етиштириш ўтган йилдагига нисбатан 31 процент, сут — 21 процент, тухум — 95 процентга кўпайди.

Тақдири пахта билан чамбарчас боғланган кишилар орзу қиладилар, ишонадилар, орзиқиб кутадилар. Шунинг учун кутадиларки, келгусида сув танқислиги хуружини сусайтириш борасида бошланган ишлар кенг қанот ёйсин, дейдилар. Селекционерлардан ҳосили 140—150 кунда эмас, 120 кунда пишиб етиладиган атиги бир неча навлар яратилишини кутадилар. Бу эса ҳосилни кузги ёғинсочинларга қолдирмай йиғиштириб олиш, уни кўпроқ етиштириш ва тезроқ териб олиш демакдир. Олимлардан турли зоналар учун мослаштирилган индустриал пахтачилик технологиясини кутмоқдалар. Конструкторлар ва машинасозлардан металл сиғими пасайтирилган, янада ихчам ишланган, кенг қамровли машиналарнинг қудратли комплексини кутмоқдалар. Хусусан, улар одамларни қайта-қайта пахта теришдан озод қиладиган кучли универсал пахта териш машиналари ва қуввати оширилган тракторларни кутишмоқда. Олим ва кимёгарлардан янада таъсирчан ўғитлаш препаратлари, мумкин бўлса, ягона, кенг диапазонли шу билан бир пайтда арзон ва ташиш ҳамда тупроққа солиш учун ўнғай бўлган ўғитларни кутишмоқда. Мутахассислар ва практиклардан бутун пахтазорларда ҳосилни биологик усулда ҳимоя қилиш комплексини кенг жорий этишни кутмоқдалар.

Айтиш мумкинки, бу кутишлар ҳавойи эмас. Илмий лабораторияларда, экспериментал цехларда, тажриба далаларида янги навлар, янги технология, химиявий ва биологик воситалар, эртанги кун машиналарининг комплекси яратилмоқда. Тўғри, бу ишлар ҳамиша ҳам тез ва тугал бажарилмаётган бўлсада, яратилмоқда. Бунинг ҳаммаси пахта учун, пахтанинг тақдири учундир!

Пахтага бўлган ҳурмат, унга бўлган муҳаббат, унинг тақдири учун доимо ташвишланиш Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳарлари меҳнаткашларининг қон-қонига синган. Қишлоқларда янги туғилган гўдакнинг бешигига бахт рамзи сифатида пахта чаноғини қўядилар. Қишлоқ болалари ёз пайтида дастлабки ғўза гулини биринчи бўлиб топиш учун интиладилар. Теримга чиққан қизлар ўзларининг сумбул сочларини юлдузмисол оппоқ очилган чаноқлар билан безашади. Ўзбекистон гербида буғдой бошоғи ва пахта чамбараги бор.

Нон ва пахта. Улар азалдан ёнма-ён туришади. Болалар ёшлигиданоқ бу сўзларни биргаликда ўрганадилар. Бу шунчаки тасодифми? Оддий ўхшашликми? Йўқ, бу ҳаётий ҳақиқат!

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон миллионлаб совет кишиларини қабул қилди, фашистлар босиб олган территориялардан вақтинча эвакуация қилинган рус аёллари, қариялари ва болалари ўзбеклар билан биргаликда далаларнинг ярмига пахта, ярмига эса ғалла экдилар. Ҳозир ҳам мамлакатнинг минглаб мактабларидан Ўзбекистоннинг қишлоқ мактабларига мактублар келиб турадики, унда болалар Шуҳрат музейи учун ота-оналарига қадрдон бўлиб қолган пахта чаноғидан юборишни илтимос қиладилар.

Шу йил кузда республикада кўплаб халқаро форумларнинг иштирокчилари, чет эл делегациялари, ўзимизнинг ҳамда чет эллик космонавтлар ташриф буюрдилар. Шунчаки қизиқиш учун эмас, балки катта халқ ишига қўл теккизиш учун меҳмонлар далаларга чиқдилар, белларига этак боғлаб пахта тердилар. Жўякларда атиги беш-ўн қадам юриш, ёмғир томчилари билан қопланган ҳар туп ғўза олдида тўхташ, барча офатларга дош бериб, пишиб етилган тола тафтини ҳис этиш. Бу қадимий ва абадий навқирон касб-корга, миллионларнинг тақдирига даҳлдорлик дақиқаларидир. Бу ҳақда меҳмонлар болаларча соддадиллик билан гапирдилар, шунинг учун айтдиларки, пахта ҳам нон каби тинчлик ва ҳаёт рамзидир!

...Бу машаққатли йил кўп нарсаларни кўрсатди. Ҳали ундан кўплаб сабоқ олиш ва хулосалар чиқариш лозим. Аммо энг асосийси ва энг муҳими аниқ ва равшан: социализм мамлакатнинг суғориладиган зонасида деҳқончилик учун гарантияли шароит вужудга келтирди. Табиий офат қанчалик ҳуруж қилмасин, кишиларни енга олмайди. Фан ютуқлари ва техника билан қуролланган, бой тажрибага эга бўлган, ўз халқи олдидаги юксак масъулият ва бурчни чуқур англаган инсон табиий офатлар устидан ҳамиша ғалаба қозонади.

А. УЗИЛЕВСКИЙ.
(«Сельская жизнь» мухбири).

Ўзбекистон ССР.

(«Сельская жизнь», 4 декабрь).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ VIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ— ҲАЁТГА

ГАЗЕТА ВА ЗАРБДОР ТАРМОҚ

Ярим асрдан зиёд тарихга эга бўлган «Бухоро ҳақиқати» газетаси область меҳнаткашларининг яқин дўсти ва маслаҳатгўйига айланиб қолган. Редакциянинг ижодий коллективи КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари билан қуролланган ҳолда область партия комитетининг доимий раҳбарлиги ва кўмаги остида ҳар бир сонни ўқимишли ва қизиқарли чиқариш учун интиляпти.

Шу жиҳатдан олганда «Бухоро ҳақиқати» саҳифаларида Озиқ-овқат программасининг муҳим бўтини — чорвачилик мавзунинг ёритилиши характерлидир. Деярли ҳар бир сонда областнинг зарбдор фронти — чорвачилик фермалари ва комплексларидан ёзилган материалларни ўқиш мумкин. Газета таҳламларини варақлашда шундай хулосага келиш мумкинки, редакция ходимлари қайси мавзуда махсус саҳифа бермасин, уларда имкони борича чорвачилик темасига жой ажратишга интилишган. Бинобарин, халқ контроли, газетхонлар билан бевосита алоқа формаси бўлган хатлар саҳифаларида ҳам чорвачилик мавзуига ўрин берилган. Редакция ходимлари ўзлари шу сохада ижчил қалам тебратиш билан бирга меҳнаткашлар хатларидан кенг фойдаланишга интилаётгани мақтовга сазовордир. Бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Газета ўз саҳифаларида зарбдор тармоқдан ёзилаётган материалларни ранг-баранг формаларда акс эттириш мақсадида «Чорвачилик — зарбдор фронт» деган шиор остида ижодий конкурс эълон қилганлиги ўзининг яхши самараларини бермоқда.

Областда чорваси ривожланган, бу соҳани рентабелли тармоққа айлантиришда сезиларли ютуқларга эришаётган колхоз ва совхозлар анчагина. Шундай коллективларнинг бой тажрибаларини умумхалқ мулкига айлантиришда «Бухоро ҳақиқати» газетаси кўп иш қилмоқда. Масалан, газетада берилган «Колхознинг гўшт комплекси» сарлавҳали мақола Бухоро районидаги Ленин номли колхоз бўрдоқибоқарлари ҳаётидан ёзилган. Мақола автори хўжаликда эришилган кувончли рақамларни келтиради, лекин фақат кўрсаткичларнинг ўзи билан чекланиб қолмайди. Ана шу рақамлар қай тарзда реал воқеликка айланяпти, колхозда бошқа хўжаликларда жорий этилмаган қандай ибратли тажрибалар бор — газета мавзу йўналишини кўпроқ шу аспектларда ёритишга қаратади. Пировардида хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, умуман кенг газетхонлар оммаси қизиқиб ўқийдиган мақола пайдо бўлган. Ҳудди шундай гапларни А. Раҳматуллаевнинг «Сersут ситирлар шу ерда ўстирилади», газета мухбири З. Саъдиевнинг «Гўштни кўпайтириш йўлида» сарлавҳали

МАТБУОТ ОБЗОРИ

корреспонденциялари ва бошқа қатор материаллар ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Маълумки, чорвачиликнинг ривожини таъминлаш учун ферма ходимлари йил — ўн икки ой астойдил ишлашлари талаб қилинади. Шу маънода чорвадорлар ишида йил давомида танаффуслар бўлмайди. Лекин шундай тадбирлар, мавсумлар борки, чорвадорлардан икки-уч карра хушёрлик талаб этилади. Чорва қишловчи, кўзилатиш каби мавсумлар биз назарда тутган кампанилардандир. Шундай мавсумларнинг муваффақияти асосан унга пухта тайёргарлик кўришга боғлиқ. Газета буни тўғри хис этиб, ана шундай жиддий паллаларда жойлардан махсус саҳифалар, репортажлар, таҳлилий мақолалар уюштирмоқда. Берилган турли жанрлардаги мақолаларни ўқисангиз, улар мутахассислар билан узвий алоқада бўлиб, иш моҳияти чуқур ҳис этилиб ёзилганлиги сезилиб туради.

Изчиллик — бу газета саҳифаларида берилаётган материалларнинг асосий фазилатидир. Масалан, СССРнинг 60 йиллиги қишлоқларда нишонланган юбилей йилида ҳар бир район, ҳар бир хўжалик чорвадорлари юксалиш режалари — социалистик мажбуриятлар қабул қилиб меҳнат қилаётганлиги ҳаммага маълум. Газета олинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини изчил ёритиш мақсадида махсус саҳифалар бериб бормоқда. Ягона йўналишга бўйсиндирилган дастлабки саҳифа шу йил 24 февраль сонида «Олот»: юксалиш режалари қандай бажарилмоқда?» деган рубрикада берилди. Бирин-кетин худди шу туркум билан Вобкент, Пешку, Ғиждувон, Риштон, Свердлов, Қоракўл, Бухоро районларидан • саҳифалар уюштирилди. Редакция коллективи областдаги бошқа районлардан ҳам тайёрланадиган шундай саҳифаларни йил охиригача бериб боришни режалаштирган.

Газетанинг варақлар экансиз, ундаги бош мақолалар ҳам эътиборингизни ўзига тортади. Зотан, бош мақола газетанинг байроғи, деб бежиз айтишмайди. Унда кун тартибида биринчи планда турган долзарб мавзулардан тортиб партия узоқ йилларга мўлжалланган программ характердаги соҳалар ўз аксини топади. «Бухоро ҳақиқати» бу масъулиятни ҳис этиб вақти-вақти билан чорвачиликка бағишлаб бош мақолалар бериб келяпти. Уларда чорва қишловига тайёргарлик кўриш, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш каби темалар ёритилмоқда.

Область чорвачилигини ССРнинг Озиқ-овқат программаси талаблари асосида ривожлантириш учун ҳали катта вазифаларни бажариш керак. Бу борада муайян ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам борки, газета масаланинг бу томонини ҳам диққат марказида тутиб келяпти. Газета чорвачилик мавзуда танқидий мақола беришда икки мақсални кўзда тутади: биринчидан, танқид қилинаётган коллективда аҳволни яхшилаш, иккинчидан, бошқа жойларда шу хатоларни такрорламаслик. Танқидий материалар дўстона, самимий оҳангда ва айни пайтда принципиал руҳда ёзилганлиги кишини қувонтиради. Газета мухбири Х. Қодировнинг «Шофирконда чорвага эътибор кучайтирилмоқда» деган мақоласида зарбдор тармоққа ўгай кўз билан қараётган раҳбар ва мутахассислар танқид қилинса, махсус мухбир Н. Сафаров «Фабрика нега оқсаб қолди?» сарлавҳали чиқишида паррандачиликни ривожлантиришдаги тўсиқларни таҳлил қилади.

Бундай таъсирчан материаллар газетхон эътиборини ўзига тортмай қўймайди. Айни пайтда таъкидлаш керакки, ҳали областда журналистлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда пухта таҳлил этилиши лозим бўлган хўжаликлар анчагина. Ўша жойларда судралиш сабабларини атрофлича таҳлил қилиш, газетанинг бурчидир.

Газетанинг ҳар сони тайёрланаётганда бенхтиёр газетхонлар ҳақида ўйлайсан киши. Уларнинг ёши, маълумоти, касб-кори турлича .Биз «Бухоро ҳақиқати» газетаси сонларини варақлаганимизда масаланинг шу томонига қандай эътибор берилаётган экан, деб ўйлаб қолдик. Очигини айтиш керак, газетада биз сўз юритаётган мавзу — чорвачилик дуруст ёритиляпти. Лекин баъзи сонларда меъёрдан ошиб кетиш ҳолларн учрайди. Ган шундаки, айрим сонларда биринчи бетда ҳам чорвага оид мақола, иккинчи ва учинчи бетларда ҳам шу мавзуда қўш саҳифа берилган. Бунинг устига ана шу материаллар тор доирадаги мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, уларда фикрдан кўра ғужғон рақамлар устунлик қилади. Бу ҳол газета тематикасини бир мунча торайтириб қўймоқда.

Айрим материалларда такрорийлик, газетхон кўп дуч келадиган маълум иборалар учраб турадики, бу ишга ижодий ёндашаётган қаламкашлар учун хос бўлмаслиги керак. Бугунги газетхон самимий суҳбатни, юракдан айтилган сўзларни қизиқиш билан ўқийди. Бунинг учун бой ижодий анъана ва тажрибага эга бўлган «Бухоро ҳақиқати» газетаси редакцияси журналистлари тинмай изланишлари, чорвачилик темасини ёритишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми талаблари асосида ташкил этишлари, газетхон билан мулоқат қилишнинг янада жонли ва таъсирчан формаларидан фойдаланишлари зарур бўлади.

Ш. ЖАББОРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



ФИДОЙИ

Одатда камтарин, камсуқум, эл-юртга машҳур кишиларни халқ етиштиради. Улар ўзларининг бой тажрибалари, ишлаб чиқаришдаги ҳалол меҳнатлари орқали бирга тер тўкаётган ҳамкасбларини йўлчи юлдуздек олға ундайдилар Шу йўл билан бундай кишилар халқнинг шуҳратига-шуҳрат қўшишади. Она-Ватан учун жон фидо этган, юртнинг дастурхонини тўкин-сочин қилган бундай фидойиларни эса партия ва ҳукуматимиз доимо иззат-икром қилади, мартабасини улуғлаб кўксини олий нишон билан безайди.

Жамолиддин Исломов ҳам ана шундай эл олқишига сазовор бўлиб бораётган кишилардан бири. Унн «Ленинград» совхозидагина эмас, балки Риштон районида ҳам илғор картошкакор бригадир сифатида ҳамма ҳурмат қилади. Бошқа ҳўжаликлардан келиб, тажрибасини ўрганиб кетишади. Уни излаб келганларни Жамолиддин ака самимий қарши олади, қўлидан келганча мўл ҳосил олиш сирларини ўргатади. Шу туфайли уни ҳамма ҳурмат қилади, унга эргашади. Ҳамкасблари тажрибали бригада бошлиғига юксак ишонч билдириб, Узбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайлашган.

—Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети «Республикада картошкачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилгач, бизнинг ҳўжалигимизда ҳам бу соҳага эътибор кучайтирилди, —дейди биз билан суҳбатда бригадир.

Уста картошкакор айтганидек бригадада картошка етиштириш учун қулай иш шароити яратилган. Аҳил коллектив 35 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Карталар яхлитлаштирилган. Уруғлик картошка экиш, экинларни парваришлаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш механизация ёрдамида бажарилаётганлиги учун ҳам ҳосилдорлик юқори бўляпти. Юбилей йилида улар ҳар гектар ердан 340 центнердан картошка ҳосили олдилар. СССРнинг Озиқ-овқат программасини белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумини ўзларининг келгусидаги иш программалари деб билган бригада картошкакорлари айни кунларда жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

А. ФОЗИЛОВ,
Рассом Маҳмуд Жўраев чизган бу расмда уста картошкакор, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Жамолиддин Исломов тасвирланган.

ХОНАДОН ЧОРВАСИ

Бўз район партия комитетининг биринчи секретари А. Раҳимов билан Озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётгани ҳақида суҳбатлашиб қолдик.

—Бу ишнинг муваффақияти,—деди райком секретари, —жойлардаги ташкилотлар, шунингдек, уларнинг раҳбарлари қай даражада ташаббускорлик билан иш олиб бораётганлигига боғлиқ. Масалан, районимиз марказини олиб қарайлик. Кооператив дўконларда ҳамиша гўшт топиш мумкин. Бунинг боиси нимада? Гап шундаки, эл-нинг қўлида етарли чорва бор. Эҳтиёждан ортиғини давлатга сотяпти. Ҳам ўзига фойда, ҳам бошқаларга. Ишбуки, бир неча йил аввал аҳвол ўзгача эди.

Аввалари қандай эканлигини Бўз посёлка Советининг раиси Мадаминжон ака Раҳмонов сўзлаб берди. Унинг айтишича, ўн беш, йигирма йиллар муқаддам ҳатто мева маҳсулотларининг кўпгина турлари қўшни районларда, қолаверса, Шаҳрихон ва Марғилон шаҳарларидан олиб келинар экан. Чорвачиликнинг ривожланишига келсак, шахсий секторлари қорамоллар ва қўй-эчкиларнинг бош сони йилдан йилга кўпайиб бораётир.

—Ахир посёлкада яшайсизлар-ку! Қийинчилик бўлмаяпти? —сўрадим мен.

—Ҳамма гап ҳам шундада, —жавоб қилди посёлка совети раиси, —қийинчиликни енгишга ўрганяпмиз. Бу ўринда депутатлар ва активистлар жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Ташаббускорлик билан ишлаш, ишга кўнгил қўйиб меҳнат қилиш. Бу иборалар замида катта тушунча ётади. Бўз посёлкасида амалга оширилган улкан ишларга худди мана шу нарсалар кўмакчи бўлди.

Мадаминжон ака менга бу ҳақда батафсил гапириб берди.

— Посёлка Советининг Озиқ-овқат программасига бағишланган сессияси ғоят жонли ва қизиқарли ўтди. Биз, депутатлар, бу катта вазифага ўзимизнинг қандай улушимизни қўша оламиз, ана шуни чамалаб кўрсак, деган масалани ўртага ташладик, кўпчилик. Бошқа бировлар эса бу соҳадаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳақида гапирди.

Қадимий чўлнинг ўртасида ташкил топган посёлкада мингдан зиёд онла истиқомат қилади. Уларнинг деярли ҳаммасида сигир, қўй-эчки, парранда бор. Диққатга сазовор жойи шундаки, чорва ва парранда бош сони муттасил ортиб бормоқда. Посёлка Советининг раиси махсус қўйин дафтар очган, уни чўнтагида олиб юради. Дафтарда қайси хонадонда неча бош чорва ёки парранда борлиги, уларнинг кўпайиши ҳам қайд қилиб борилади.

«Ҳар хонадон чорвадор бўлсин»—бўзликларнинг шиори ана шундай. Хўш, бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун қандай ёрдам керак? Бу масала ҳам унутилгани йўқ. Посёлка Совети бу соҳада барча ташкилотчилик ишларини ўз зиммасига олган. Улардан баъзиларини санаб ўтамиз.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси эълон қилинниши билан посёлка Советининг ходимлари хонадонида чорва туёғи бўлмаган оилаларни рўйхатга олдилар. Улар орасида тушунтириш ишлари олиб бордилар. Уларнинг қандай ёрдамга муҳтож эканликларини ўргандилар. Натижада маҳаллий органлар билан келишилган ҳолда чорва моллари сотиб олиш учун фуқароларга давлат банкидан суда берилди. Ҳозиргача юздан ортиқ оилалар бундай имтиёздан фойдаланишди.

Чорва ем билан тўқ, хашак билан тўқ. Шу боисдан олиб қараганда, посёлкада яшовчи хизматчилар қийин аҳволга тушиб қолишлари мумкин эди. Лекин бунинг ҳам чораси топилди. Депутатлар ташаббуси билан ёзнинг ўрталарида бир неча бор посёлка меҳнаткашларининг шанбаликлари ташкил этилди. Улар табиий ўт-ўланларни дала четларидан етарли миқдорда йиғиштириб, қиш учун ғамлаб олдилар. Колхоз ва совхозлар ҳам қараб ўтиришмади, посёлка аҳолисига транспорт ва бошқа техникадан ёрдам берди.

Посёлка Советининг раиси шахсий хонадонлардаги чорва туёқларини кўпайтириш масаласи бўйича район ижроия комитетига кирди. «Хўш, деб тушунтирди у, хашакни-ку йиғиб олдик. Аммо ем масаласи нима бўлади? Бу борада ёрдам бермасангизлар иложи йўқ». Район раҳбарлари масалани тўғри тушунганлари ҳолда уни иложи борича ижобий ҳал қилишга ваъда бердилар. Ҳозир посёлка марказида омухта ем билан савдо қилувчи магазин очилиши мўлжалланаётир.

—Катта масалани муваффақиятли ҳал этишда кўпгина майда-чуйда нарсаларга дуч келар экансан,—дейди посёлка Советининг раиси,— аммо булар фақат биринчи қарашдангина майда-чуйдалардир. Аслида эса азалдан пишиб-етилиб келган, муҳим масалалар. Чунончи, сунъий кочириш пунктини олиб кўрайлик...

Ҳа, шундай катта посёлкада аввалларн сунъий кочириш пункти йўқ эди. Посёлка Совети қатъий киришгач, пункт очилди. Унга мутахассислар тайинланди. Бунинг устига, шахсий секторлари чорва моллари кўрикдан ўтказиб туриш ва даволаш мақсадида олий маълумотли веттехник ҳам ажратилди.

Шахсий секторлари чорвачиликни ривожлантириш барча депутатларнинг диққат марказида. Яқинда бўлиб ўтган сессиялардан бирида ҳар бир депутатнинг ҳовлисида камида икки бошдан қорамол, бир неча бошдан қўй ва эчки бўлсин, деган ташаббус кўтарилди. Гўшт учун чорва молларнинг ёшини сўймаслик, балки тўёқни кўпайтириш мақсадида ҳамма чора-тадбирларни кўриш ҳақида таклиф киритилди.

—Биз ишни энди бошлаётирмиз, —дейди посёлка Советининг раиси, —Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш учун ҳали кўпдан-кўп имкониятлар мавжуд.

Мадаминжон ака тушунтириб беради: мана ўша резервлар—қўёнчилик, асаларичилик ва бошқалар. Булар —билан ишлаган одам учун кони фойда. Ҳозир посёлкада мазкур иш билан шуғулланаётган хонадонлар бир талай топилади. Гап фақат ташаббусини ёйишда, уни кенг қулоч оттиришда, бу йўлдаги камчиликларга барҳам бериш йўлларини биргаликда қидиришда.

Ўйлаймизки, бу вазифаларни бажариш бўзликларнинг қўлидан келади. Аммо

Қ. СОБИРОВ.



Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг чўпон-чўлиқлари ўз парваришларидаги 14 минг бошдан зиёд қўй-эчкини намунали парвариш қилишяпти. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленуми қарорларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг 1982—1983 қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги даъватларига жавобан хўжалик чорвадорлари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Ушбу суратда илғор чўпон Орол Ражабалиевни кўриб турибсиз.

Ж. Тўраев фотоси.

ОЗУҚА САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Зарбдор районндаги «Ударник» совхози меҳнатчилари давлатга гўшт, сут ва тухум етказиб беришни ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўпайтирдилар.

—Ҳозирги қиш кунларида қорамол ва парранда маҳсулдорлиги камайгани йўқ, —деди хўжалик директори Л. Х. Алиева. —Бу мол ва паррандаларни етарли миқдорда ва хилма хилқлантириш натижасидир. Етишгарчилккнинг кам бўлганлиги ва бақорги қурғоқчилик натижасида биз палмикор ерлардан ўриб олмадиган пичандан маҳрум бўлдик, бироқ қўшниларимиз — «Ленин йўли» ва «Прогресс» пахтачилик совхозлар бизга кўмаклашдилар. Улар бизга хашак, пичан, сенаж, маккажўхори силоси ажратиб бердилар.

Совхозда ем-хашакдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида ҳам ўйлаб қўйилди. Бу ерда ем-хашаклар бўгламларнлкб, минерал қўшимчалар билан бойитилади. (ЎзТАГ мухбири).

Дунё овози
чет эл хабарлари

ВАРШАВАДА «БИЗ—СОВЕТ ХАЛҚИ» ВИСТАВКАСИ

ВАРШАВА. (ТАСС). Варшавадаги Польша — Совет дўстлиги уйида ТАСС-нинг «Биз — совет халқи» деган фотовиставкаси очилди. Виставка СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бўлиб, Советлар мамлакати халқлари кўп миллатли кардошлик оилаларининг шонли юбилейига бағишланган тадбирлар доирасида ўтказилмоқда.

Польша пойтахти маданий ҳаётида катта воқеа бўлган виставканинг очилиш маросимида ПБИП Марказий Комитетининг секретари М. Ожеховский, ПБИП Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири В Наметкевич. Польша— Совет дўстлиги жамияти бош правлениесининг раиси С Вронъский, СССРнинг ПХРдаги элчиси Б. И. Аристов катнашдилар. Маросимда социалистик мамлакатларнинг ПХР-даги элчилари, меҳнаткашлар, маданий жамоатчилик вакилларнинг кўплаб-кўп вакиллари бор эдилар.

ЮНЕСКО ФАОЛИЯТИ ПРОГРАММАСИ

ПАРИЖ. Бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти — ЮНЕСКО бош конференциясининг IV фавқулодда сессияси ўз ишини тамомлади. Делегатлар шу ташкилотнинг 1984 йилдан 1989 йилгача бўлган даврдаги ўрта даражадаги шошилинч планн лойиҳасини маъқулладилар. Бу ҳужжатнинг анча қисми тинчликни сақлаб колиш, ядро уруши хавфининг олдини олиш, халқлар ўртасида ҳамжихатликни кучайтириш каби инсоният учун муҳим проблемаларга бағишланган. Лойиҳани муҳокама қилиш давомида тинчлик учун курош программаси ЮНЕСКО-га аъзо бўлган давлатлар вакиллари томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Тинчлик учун кураш шу халқаро ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади. Сессия шу масала юзасидан «Тинчлик» халқаро ҳамжиҳатлик, инсон ҳуқуқи ва халқлар ҳуқуқи» номли резолюцияни қабул қилди. Резолюцияда ЮНЕСКОнинг асосий вазифаларидан бири — халқаро тинчликни ва хавфсизликни сақлаб колишдан, тинчликка, тахдиднинг олдини олиш ва бартараф этиш учун самарали коллектив чоралар кўришдан иборат эканлиги уқтириб ўтилади.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН

ТОКИО. Япониянинг савдо-саноат доиралари Совет Иттифоқи билан иқтисодий хамкорликни кенгайтиришни талаб қилмоқдалар. СССР ва Европадаги социалистик мамлакатлар билан савдога кўмаклашувчи Япония уюшмаси президенти «Ниппон Дэнки» компанияси президенти Кодзи Кобаяси ТАСС мухбирига шу ҳақда гапирди. Япония билан СССР ўртасида товар обороти ва тўловлар тўғрисидаги шартномаларнинг ҳамда савдо шартномасининг имзоланганига шу ойда 25 йил тўлади, деди у. Шу вақт ичида ўзаро савдо сотинда катта силжишга эришилди. К. Кобаяси иккала мамлакат ўртасида савдо алоқаларини янада ривожлантириш муҳим эканлигини таъкидлади. У савдо алоқалари СССР билан Япония ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнайди деб айтди.

КАМПАЛА. Бирлик ва миллий тараққиёт партиясининг раиси, Бурунди республикасининг президенти Жан-Батист Багаза қитъадаги мамлакатларга мурожаат қилиб, бирликни ҳамма чоралар билан мустаҳкамлашга, Африка мамлакатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга чақирдилар. Мамлакат пойтахти Бужумбурада бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, у Африка давлатлари ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш, Африка бирлиги ташкилотларини парчалаб юборишга йўлдаги уринишларга қарши туриш кераклигини айтди.

Ж.-Б. Багаза шу проблемани ҳал этишга кўмаклашиш учун конкрет дипломатик тадбирлар кўриш ниятида эканлигини таъкидлади. Республика президенти жумладан, мен Африка бирлиги ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошликларининг навбатдаги, XIX сессиясини тезроқ ўтказишни катъиян ёқлаб чиқаман, деб айтди.

(ТАСС).

ҚЎПОЛ АРАЛАШУВ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Қўшма Штатлар Ҳиндистоннинг ички ишларига қўпол равишда аралашмоқда, деб ёзади Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг марказий органи« Нью-Эйж» газетаси. Вашингтон Ҳиндистонни заифлаштиришга, унинг миллий бирлиги ва территориал бутунлигини қўпоришга, мустақил ташқи сиёсий йўлдан воз кечишга мажбур қилишга уринмоқда, деб уқтиради газета. АҚШ марказий разведка бошқармаси Вашингтон мақорона режаларининг бевосита ижрочисидир. Ҳиндистон республикасига қарши кўп йиллардан буён қўпорувчилик ишларини олиб бораётган Американинг жосуслик маҳкамаси Панжоб Жамму ва Кашмир чегара штатларида, мамлакатнинг стратегик жиҳатдан муҳим шимоли-шарқий районларида иш кўраётган ҳар хил сепаратчи гуруҳларни ошкора қўллаб-қувватламоқда.

Марказий разведка бошқармасининг маблағларига, деб ёзади «Нью Эйж» газетаси. Америка ва Канаданинг бир қанча шаҳарларида ўзи йўқ «мустақил сақхилар давлати — Холистон» нинг «консулхоналари» очилган бўлиб, улар амалда Ҳиндистонга қарши қўпорувчилик марказлари бўлиб, бу ерда Панжоб штати ва бошқа бир қанча шимоли-ғарбий районларнинг Ҳиндистондан ажратиб олинишига уринаётган Дал Халса ва шунга ўхшаш террорчи гуруҳларнинг жангаларари тайёрланмоқда.

Марказий разведка бошқармаси Ҳиндистонга қарши қўпорувчилик ишларида ҳеч қандай воситаларидан тап тортмаётгани, деб уқтиради газета.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОФИЯ. Болгариялик олимлар ясаган электрон прибор— нам ўлчагич суғориладиган ердаги сув запасини тезда аниқлашга, экинни қачон сугора бошлаб, қачон тўхатиш кераклигинн аниқ билишга имкон беради. Бу прибор икки метрга қадар чуқурликда тупроқ намлигини 2 процентга қадар аниқликда белгилаб бера олади.

ИСТАНБУЛ. Дунёдаги энг катта кўприклардан бири «Босфор» бўғози устида қурилган кўприкдан ўтувчи автомобиллар оқимн тўрт баравар кўпайди. Кўприк ишга туширилгандан кейин ўтган 9 йил мобайнида Европадан Осиёга ва Осиёдан Европага ҳар куни қатнайдиган машиналар сони 100 мингтага етди. Аммо «Истанбул марженони» деган ном олган бу кўприк ниҳоят нормал транспорт қатновини энди таъминлаолмай қолди. Қатнов кўпайган пайтларда автомобиллар бир қитъадан иккинчи қитъага ўтишга бир ярим соатлаб навбат кутиб қолмоқда. Истанбул шаҳар маҳкамаси ана шу қарийб бир ярим километрлик осма кўприкдан ўтишни тезлатиш учун ҳар хил чоралар кўрмоқда: тезлик белгиланмоқда, пулли турникетларнинг автомобиль ўтказиш қобилияти такомиллаштирилмоқда, машиналарнинг техник ҳолати назоратдан ўтказилмоқда.

Маъмурлар вужудга келган шу проблеманн иккита янги катта транспорт йўли қуриб, тубдан ҳал этиш мумкин деб билмоқдалар. Денгиз порти районида Босфор орқали яна бир кўприк ва шу бўғоз остидан бирнчи темир йўл тоннели лойиҳалари тайёрланмоқда.

ЛОНДОН. Англия парламенти Лордлар палатасининг аъзоларн Лорд Глануска билан Лорд Пендер гапирганда гоят ҳайрон қолдилар. Жонланган ҳайкалларни кўргандa ҳам улар шунчалик ҳайратга тушмаган бўлур эдилар.

Гап шундаки, уларнинг иккаловн кўп йиллардан бери палатанинг ҳамма мажлисларида оғиз очмай келардилар. Лорд Глануска парламентда 34 йил мобайнида гапирнши ўзига эп билмай келди, унинг ҳамкасби Лорд Пендер эса 17 йил мобайнида сукут сақлаб келганди.

Аммо яқинда қонун чиқарувчиларни «тўхтатиб бўлмади». Улар мароқ билан узоқ вақт гапириб, ваъзхонликлари билан мажлис аҳлини ҳайратга солдилар. Лордлар палатасининг гумбазларн остида кабель телевизион алоқа ишларн билан шуғулланувчи компанияларнинг қонуний статуси масаласи муҳокама этила бошлаганида улар жим туролмадилар. Глануска билан Пендерда ана шу компаниялар акцияларининг катта-катта пакетлари бор, эндиги сукут сақлаш бу сафар уларга знён келтирган бўлур эди.

БАНГКОК. Шу кунларда Таиландининг Бангкокдан 500 километр Шимоли-Гарбидаги Сурин шаҳрида филлар парадини, фил йўртиши, югуришини, филда тўп ўйинини ва ҳаттоки, фил рақсларини кўриш мумкин. У ерда ҳар йили бўладиган анъанавий филлар фестивали ўтмоқда. Мана шу улкан томошага йиғилувчи сайёҳлар катто ўрта аср аскарларининг сонноват филларидан фойдаланиб жанг тақлидни томоша қилишлари ҳам кўришлари мумкин.


«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» КОНКУРСИГА

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИ

Эй, шарафли, муқаддас юртим,
Ўзбекистон аталмиш днёр,
Тўтнёдек кўзимга суртдим,
Тупроғингни ўпиб ҳар наҳор.
Ватан сўзи битилмиш тошга
Боболарнинг қонлари билан.
Ҳар зарраси қон ила ёшга
Йўғрилган—чун муқаддас Ватан.
Аждодларим хоки барқарор
Бойсун тоғи далаларида.
Асрларнинг дарди қон бўлиб,
Салқин оқди яраларингдан.
Искандарга бўйин эгмаган,
Темур шуҳрат талашган тупроқ.
Юлдузларга тинчлик бермаган,
Ота юртим абадий уйғоқ!
Ал-Хоразмий дастхатларида
Алжабрининг ётур асоси.
Ислом, Қуръон оятларида
Ривожининг бордур қасоси.

Алишернинг буюк фарёди,
Кор қилмади чарх кажрафторга.
Шум замондан кулганча мағрур,
Машраб турар осилиб дорга.
Юртим, қисмат аравасида
Азобли йўл босиб, толдинг сен.
Янги аср арафасида
Тундай қора кунга қолдинг сен.
«Аврора»нинг али садосидан
Титраганда замину замон.
Инқилобнинг зулмат пардаси,
Бошинг узра ёришди осмон.
Илк бор эркин меҳнат қилган чоғ,
Кўкрагингга текканда шамол.
Гитлер уруш бошлади эй, воҳ,
Сен ҳам олдинг қўлингга қурол.

Оғир кунлар тушди-ю бошга,
Вазмин тортиб, катта бўлдинг сен.
Ота номин бериб Иўлдошга,
Етимларга ота бўлдинг сен.
Исён қўзғаб, замин қаърида
Силкинганда қаттол аждаҳо,
Тошкент турди дўстлик кафтида,
Қардошликка айтдик ҳамд-сано.
Она юртим, пахтанг, ишингинг
Тинчлик учун бўлмишдир байроқ.
Дарё ва сой, жилғаларингда
Сув ўрнига сут оқар оппоқ.
Боғларингда абадий баҳор,
Тоғларингдан мудом қор кетмас.
Таърифингга қалам қудратин
Етолмаган, етмади, етмас.
Пахта учун чеккан заҳматинг
Жо бўлмагай «Шоҳнома»га ҳам.
Терим пайти халқ жасорати
Ўхшамайди афсонага ҳам.
Чўл қувдилар мард қизу ўғлон.
Ҳар қаричинг айлади обод.
Қудратингга лол қолди жаҳон
Олти миллион бўлганда бунёд.
Орзум шудир, Ватаним сенга
Муносиб бир фарзанд бўлолсам.
Бахтлиман гар ниссиқ бағрингда
Зарра бўлиб мангу қололсам.
Ўзбекистон аталмиш диёр,
Менинг қутлуғ, муқаддас юртим.
Тупроғингни ўпиб ҳар наҳор
Тўтнёдек кўзимга суртгум.



Қишлоқларда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланиб бормоқда, кўплаб маиший хизмат уйлари барпо қилинмоқда.

Ушбу суратда Сирдарё область Ильич райони марказида ишга туширилган янги маиший хизмат комбинатини кўриб турибсиз.

М. Нуритдинов фотоси.

ДИҚҚАТ: СИРПАНЧИҚ ИУЛ

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ўзбекистонда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг қиш мавсуми бошланди. Ёғин-сочинли ва совуқ қиш кунлари ҳайдовчиларга йўлларда катта қийинчиликлар туғдиради.

Бундай даврда автомобилни ҳайдаш, зарур бўлган тақдирда носоз жойини ўнглаш осон эмас. Мана шунинг учун ҳам кўпчилик ҳайдовчилар, айниқса мотоциклчилар ўз машиналарини паркдан чиқармай қўядилар. Улар тўғри қиладилар. Аммо хизмат тақозоси билан қишқировли кунларда ишлашга тўғри келадиган ҳайдовчилар нима қилишлари керак?

Аввало улар ўз автомобилларини йўлда юришга тайёрлашлари, ҳар тарафлама кўздан кечириб чиқишлари, лозим. Бу совуқ кунларда машинанинг йўлда бузилиб қолишининг олдини олади, ҳайдовчига машаққатлар келтирмайди. Йўлда керак бўладиган асбоблар, мосламалар ҳам бут бўлиши, аптечка ва ўт ўчиргич, яна бир бор кўздан кечириб чиқилиши керак.

Энг муҳими — ҳайдовчи ноқулай қиш шароитларида ишлашга психологик жиҳатдан тайёр бўлиши даркор. Ҳавонинг барқарор эмаслиги, йўл шароитларининг тез-тез ўзгариб туриши қутилмаганда хавф туғдириши мумкин. Бундай пайтларда ҳаракат тезлигига риоя қилиш ўта муҳимдир.

Шуни таъкидлаш керакки, қиш кунларида аварияларнинг айниқса, кўп бўлади. Бу Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий областлари ва Қорақалпоғистон АССРга кўпроқ тааллуқлидир. Бу хусусда ғам кетар экан, фақат ҳайдовчиларгагина эмас, балки йўловчиларга ҳам маслаҳатлар бергинг келади. Улар, айниқса, шу кунларда эҳтиётқор бўлишлари, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари керак.

Бу даврда болалар хавфсизлигини таъминлашга эътибор янада кучайтирилиши зарур. Мактабларда қиш шароитларида ҳаракат қилиш тартиб-қоидалари тўғрисида суҳбат ва тушунтиришлар ўтказилса, нур устига аъло нур бўлади. Улар уйдан мактабга бориб келиш маршрутлари, серқатнов жойлар билан таништирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина ҳаракат хавфсиз ўтишини таъминлашга эришилади.

Ю. МАРТИНСОН,
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳаракат хавфсизлиги бўлими инженери.



Акам тутган балиқ. Ҳ. Ҳайдаров фотоэтюди. (ЎзТАГ).

СПОРТ

✦ШАШКА

ОХИРГИ ТУР ҲАЛ ҚИЛАДИ

«Шашка юлдузлари-82» Бутуниттифоқ турнири тугашига бир тур қолди. Лекин бу анъанавий турнир ғолиби ҳалигача маълум бўлмай турибди.

Сўнгги тур олдидан 9,5 очко тўплаган. И. Пашкевич турнирда якка пешқадам бўлиб турибди. Унинг ҳисобида яна битта тугалланмаган учрашув бор.

9 очко тўплаб, икки партияни кечиктирган О. Беляева иккинчи ўринни банд этиб турибди.

Республикамизнинг бир неча бор чемпиони, спорт мастери Озода Аҳмедова ҳозирча 7,5 очко тўплади. Аммо у ҳам икки партияни кечиктирган. Агар Озода ана шу учрашувларни муваффақиятли утказса, ўз мавқеини янада яхшилаб, пешқадамлар сафидан ўрин олиши мумкин.

Шуни эслатиб қўйиш керакки, Озода сўнгги тур олдидан бўлган учрашувни ўз ҳамшаҳри, ёш шашкачи Марина Бурлакова билан ўтказди. Бунда спорт мастери дастлаб катта устунликка эришди. Аммо кейинчалик Озода салгина ноаниқликка йўл қўйди. Бундан фойдаланган ёш шашкачи уйинни тенглаштиришга ва дуранг қилишга муваффақ бўлди. Натижада ҳамюртлар бир очкони ўзаро баҳам кўрдилар.

Анаънавий турнирда Арманистон чемпиони Нуне Варданян ҳам яхши қатнашаётганлигини таъкидлаш керак. У охирги тур олдидан бўлиб ўтган учрашувда «Политотдел» колхозининг вакили, ёш шашкачи Ирина Анни маглубиятга учратиб, қимматли очкони қўлга киритди. Нуне Варданян ҳисобида ҳам кечиктирилган бир партия бор.

Кўриниб турибдики, турнир жадвалининг юқори погоналарини эгаллаб тургап ва голиблик учун даъвогар лик қилаётган барча шашкачилар бир нечтадан учрашувни кечиктирганлар. Кечиктирилган ана шу партиялар нисбатан осонроқ ечилганда юқори ўринлар кимга насиб этиши аён бўлиши мумкин.

✦САМБО

СОБОДИРЕВ — ИККИНЧИ

Москвадаги ЦСКА оғир атлетика саройида «Красная звезда» газетаси совриии учун самбо бўйича СССР мутлақ чемпионати еттинчи бор ўтказилди.

Мутахассислар мажур мусобақалар натижасига қараб, оғир вазнлар бўйича мамлакат терма командаси резервларини аниқлашарди. Шундан бўлса керак, самбочилар ўртасида дастлабки учрашувлардан бошлаб қизғин кураш борди.

Барча рақибларини маглуб этган москвалик В. Кузнецов билан ҳамюртимиз В. Сободирёвлар финалга чиқишди. Улар ўртасидаги баҳсда В. Кузнецов очколар бўйича устунликка эришди. Натижада у биринчи бўлди. Ҳамюртимиз Сободирёв эса иккинчи ўринни эгаллади.

✦БОКС

МАВСУМНИ ЯХШИ ЯКУНЛАДИ

Яқинда Югославияда «Олтин қўлқоплар» анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтганлиги, унда қатнашган совет боксчилари ажойиб муваффақиятга эришганлиги тўғрисида хабар бергандик.

Шуниси қувончлики, кучлилар турнирида қатнашган республикамиз боксчиси Сергей Василенко ҳам ажойиб натижага эришди. У йирик халқаро мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Бу ўринда Сергей мавсумни муваффақиятли якунлаганлигини таъкидлаб қўйишимиз керак. У шу йил июль ойида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ёшлар ўйинларида олтин, шундан бир ой кейин эса мамлакат чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлди.

Редактор ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

БИР ҚЎШИҚ ЯРАЛМИШ

Бир қўшиқ яралмоқда юртимиз тупроғида,
Ҳаёт каби сермазмун, тоғлар каби сарбаланд.
Ҳар сатри жилоланар кузнинг зарварағида,
Ҳар банд оқ нур билан саҳий Қуёшга пайванд.
Снёҳини Зарафшон, Сир, Аму яхобидан
Чилланинг аёзига тўнғиб тайёрлар деҳқон.
Ўлкамизга илк ҳамал қадам қўйган чоғидан
Ёзишга киришади меҳнаткаш Ўзбекистон.
Бепоён дала-тузлар унга оқ саҳифадир,
Тошкентдан Сурхонгача туну-кун ёзилади,
Нечоғлик заҳмат-ташвиш, даркор нечоғлик сабр
Пахтакор ўзбек халқи буни яхши билади.
Бу қўшиқ замирида саратон ҳарорати,
Ортга сурилган висод, олинмаган бўсалар.

Не-не азиз жонларнинг йўқолган ҳаловати,
Тузалмаган дастурхон, ичилмаган бўзалар.
Пахта қўшиғидир бу —нақадар буюк асар,
Ҳар сатрида минг йиллик тарихимиз баёни.
Марказком котибидан то ўқувчига қадар,
Терим пайти барчанинг пахтазорда макони.
Совуқ тан сиркиратиб, юз чимчилаб турса ҳам,
Ерилган бармоқлардан қон томчилаб турса ҳам,
У ёзилган етгунча ғалаба нуқтасига
Емғиру қор аралаш кўк қамчилаб турса ҳам.
Бу қўшиқ шундай буюк, ақл қилмайди бовар,
Олти миллион саҳифали улкан олтин китобдир.
Ҳар бетида минг сатр, ҳар сатрида минг гавҳар,
Асли халқнинг бир йиллик ишига сарҳисобдир.
Пахтангни қўшиқ дедим, она-юрт Ўзбекистон,
Жаҳонга довруғ солган қўшиғинг янгроқ бўлсин.
Тинчлик бўлса тошда гул ундиролгувчи халқим,
Пахтангнинг ҳар толаси тинчликка байроқ бўлсин.

Мирза ҚАЙНАРОВ,
Сирдарё область Ильич район халқ маорифи бўлими инспектори.

ТАНИШИНГ: «ДЎСТЛИК»

Ворошилов районидаги хўжаликларда маданий-оқартув ишларига катта эътибор берилмоқда.

Бундан уч йил муқаддам райондаги Максим Горький номли колхозда «Садбарг» ансамбли тузилганди. У қисқа вақт ичида катта шуҳрат қозонib, халқ ансамбли номини олди.

Яқинда райондаги йирик хўжалик —Карл Маркс номли колхозда ҳам бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилди. Ансамбль аъзолари сони қисқа вақт ичида 40 кишига етди. Улар пахтакорлар, сут согувчилар, ўқитувчилар, механизаторлар ва бошқа касб эгаларидир. Ансамблга «Дўстлик» деб ном берилди.

«Дўстлик» ансамблининг ҳаваскор хонанда, созанда ва раққосалари айни кунларда колхоз пахтакорларига концертлар қўйиб беришмоқда.

Қ. ҲОЖИЕВ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ОВЧИ МУШУК

Агар бор-йўғи бешта майда танга балиқни ҳисобга олмаганда овдан қўлимиз қуруқ қайтаётганди. Тошкент марказидаги Комсомол кўли яқинидан оқиб ўтадиган Анҳордан нимани ҳам ушлаш мумкин.

Ошхонадаги водопровод чиғаноғига латта тиқиб, сув қуйдик-да, қўлга тушган балиқларни ўша ерга ташлаб қўйдик.

Бурчакда эса Мурка лақабли мушук болалари билан ўйнаб ётарди. У кўзларини тикиб, баъзан бизнинг нима қилаётганимизни кузатарди. Биз ошхона эшигини ёпиб, айвонда нонушта қилишга тушдик.

Мен нонуштадан кейин сигарета чекмоқчи бўлдим. Аммо ёнимда гугурт йўқ эди. Шунда гугуртни ошхонада қолдирганим ёдимга тушди. Ошхонага сигарета тутатгани кирдим. Ойнага кўзим тушдию бир нарсадан ажабланиб қолдим. Мушук водопровод чиғаноғи ичига бир қўлини тикарди-да, сўнг панжаларини силкирди.

2—3 бор шундай қилганидан кейин мушук панжасига тасодифан латта илиниб қолди. Тўпланган сув тезда оқиб кетди-да, балиқлар кўринди. Аммо мушук ўз ишига бериліб кетганидан мени сезмай қолди. У балиқларни полга ирғитди. Болалари югуриб келишди-да, уларни олиб қочишди...

В. УРИЦКИЙ.

ЛЕНТАЛАРГА КЎЧГАН ҲАЁТ

Узоқ йиллар мобайнида бўлиб ўтадиган муҳим воқеаларни экранда акс эттирувчи киноҳужжатчиларни тарих солномачиларига қиёс қилишади. Бу гапда жон бор. Сўзсиз, киноҳужжатчиларнинг вазифаси хайрли, авлодлар таҳсинига сазовор иш. Шу касб соҳиблари меҳнатларининг самараси ўлароқ бугунги кунда Улуғ Ватан урушидан кейин туғилган авлод Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш йўлида ота-боболаримиз, оналаримиз ва ака-опаларимиз бошларидан кечирган не-некиинчиликларни тўлиқ тасаввур қилади. Ҳужжатли кино оиши ДнепроГЭС, Комсомольск-Амур қурилиши йиллари, Александр Стаханов ва Паша Ангелиналарнинг меҳнат рекордлари билан таништиради... қисқаси, жаҳон миқёсидаги бирорта муҳим воқеа ҳужжатчилар эътиборидан четда қолмайди.

Шу ўринда Ўзбекистон ССР илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси ижодкорлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилганлигини қайд қилиш лозим. Бу ерда ҳар йили 60 та фильм суратга олинмоқда. Улар орасида саноат ва қишлоқ хўжалигидаги мавжуд аҳвол таҳлил қилинган, муҳим проблемалар кўтарилган лентапар ҳам талайгина.

Наримон Азимов Ўзбекистон киноҳужжатчиларининг ўрта авлодига мансуб, у 1964 йили Бутуниттифоқ кинематография Давлат институтини оитирғач, кино олимидаги дастлабки қадамлариданоқ ўйловчи, изланувчи режиссёр сифатида ўзини кўрсатди. У воқеаларни шунчаки намойиш қилиш билан кифояланиб қолмайди, балки уларни таҳлил этади, илмий кашфиётлик томонлари, муаммоларини очиб беришга интилади.

Наримон Азимов ўзининг Ўзбекистон ССР илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясидаги фаолиятида қариб 70 та лентани суратга олди. Тўғри, улар орасида муваффақиятли чиқанлари билан бир қаторда, муваффақиятсизлари ҳам бўлди. Гап шундаки, у қайси картина устида ишламасин, хулосаси, умумлашмалари, шунингдек, у ёки бу проблемага ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилади.

У мустақил ишлай бошлаганидан етти йил ўтгач, «Абдумуротов кунлари» фильмини суратга олди. Бир қарашда қашқадарёлик оддий чўпоннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фильмда алоҳида, фавқулодда кадрлар ҳам, муҳимроқ воқеа ҳам йўқ. Отар, чўпон, чўл. Ҳаммаси шу. Лекин ана шу оддий кадрлар асосида режиссёр ўз қаҳрамонининг иш жараёни, меҳнат фаолияти ва орзу-ўйлари тўғрисида томошабинларга қизиқарли ва қайноқ тарзда ҳикоя қилиб беришга муваффақ бўлди. Худди ўша йили Наримон Азимов мамлакатимиз ҳужжатчи фильмчиларининг вакили сифатида Швейцариядаги кинофестивалда иштирок этди. Жюри «Абдумуротов кунлари» фильмини ҳужжатли кино Халқаро уюшмасининг махсус мукофоти билан тақдирлади.

Яқинда Тошкентдаги киночилар уйида Ўзбекистон кинематографчилар союзи илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар секцияси режиссёр Наримон Азимов билан томошабинларнинг ижодий учрашувини ўтказди. Кино залга тўпланганлар орасида республикамиз сув хўжалиги мутахассислари ҳам бор эди. Бу ерда асосан бир мавзу— республикамиз қишлоқ хўжалигида сувнинг аҳамиятига бағишланган ҳужжатли фильмлар муҳокама этилиши мўлжалланганди. Шунинг учун ҳам мутахассисларнинг ташриф буюришлари табиий эди.

Орол денгизи проблемаси анча вақтдан буён кўпчиликни қизиқтириб келмоқда. Бир пайтлар суви лиммолим, чайқалиб турадиган, ўзининг усач ва бошқа хилдаги овланадиган балиқлари билан машҳур бўлган Орол денгизининг сатҳи тобора пасайиб бормоқда. Шундай ҳол содир бўлиши тўғрисида илгаритдан олимлар ҳам айтиб келишарди. Ниҳоят, мана, кадр: қумга ботган якорь, кемалар. Яқиндагина улар сувда сузиб юришарди. Жимжитлик. Кемалар келиб тўхтайдиган жойлар ҳам сувсиз, қуп-қуруқ. Кемаларнинг юкларини тортиб оладиган машиналар-лебеткаларнинг ҳам шовқин-сурони эшитилмайди. Худди «Денгиз сув сўраяпти» фильмида бўлганидек, бу манзарага ҳам лоқайдлик билан қараб бўлмайди. Бутун бошли денгизнинг қуриб, йўқ бўлиб кетиши кишида ташвиш, хавф туғдиради.

Орол денгизи сатҳининг пасайиши, сувнинг озайиши фақат хўжалик эмас, балки умуминсоний проблема ҳамдир. Балиқчи Е. Утимуротовнинг илгарилари Орол денгизининг тўлиб, мавжланишини хотирлаши, айни пайтда эса унинг ўрнидаги қумликда боланинг кема расмини чизаётгани, кемалар тўхтайдиган жойларнинг ҳувиллаб, бўш ётгани, шунингдек, балиқ консерваси заводи цехларининг бекор туриши акс эттирилган кадрлар ҳар бир кишини мавжуд аҳволни ўнглаш, йўл-йўриқларини топиш, изланишга даъват этади. Томошабинни ўйлатади.

«Бунинг иложи бор, — тасдиқлашади, фильм ижодкорлари. — Бу — Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Ўрта Осиёга буришдир. Албатта, бу қийин иш, кўп маблағ сарфлашни талаб қилади. Аммо Орол денгизини худди илгаригидек обиҳаётга тўлдириш, боғу роғларимиз, далаларимизни бемалол суғоришимиз учун бу ишни амалга оширишимиз даркор». Н. Азимовнинг «Ташаллиқни қондириш» фильми худди шу ҳақда ҳикоя қилади. Режиссёр навбатдаги ижодий ишида Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини республикамиз томон йўналтириш масаласига мурожаат этади. У худди шу йўл билан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш, Озиқ-овқат программасида қўйилган вазифаларни оқилона ҳал қилиш мумкинлигини исботлайди.

«Денгиз сув сўрайди» ва «Ташаллиқни қондириш» фильмлари маҳорат билан, малакали тайёрланган. Бу икки картинанинг қишлоқ мавзусидаги ҳужжатли фильмлар Бутуниттифоқ фестивалининг биринчи даражали мукофотига сазовор бўлгани ҳам шундан далолат бериб турибди.

Н. Азимовнинг яқинда суратга олиб бўлинган «Туз» ҳужжатли фильмининг гўё Орол денгизи проблемалари билан умумий боғлиқлик жойи йўқдек туюлади. Аммо бу бир қарашдаги таассуротдир. Аслида эса синчиклаб разм солинса, бу фильм ҳам уша муҳим проблема билан бевосита боғлиқдир. Умуман олганда катта-катта майдонлардаги қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда ер ости сувларидан ҳам фойдаланилса бўлади. Бу Амударё сувини Орол денгизида сақлаш имконини туғдиради. Аммо ҳамма гап шундаки, сув қанчалик юқорига кўтариларкан, ўзи билан бирга тузларни ҳам олиб чиқади. Шўр сув эса ҳосилдорликни камайтириб юборади. Мазкур фильмда республикамиз олимларининг мана шу масалани ҳал қилиш йўлида олиб бораётган изланишлари, эришган ютуқлари ва галдаги режа, вазифалари акс эттирилган.

Ижодий учрашувда намойиш этилган учта фильм ҳужжатли киномизда ўз устида муттасил ишловчи, изланувчи режиссёр ишлаётганини кўрсатди. У қайси бир фильм устида ишламасин, ҳамиша ленталарга жўшқин ҳаёт нафасини кўчиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга муҳим хўжалик ва ахлоқий масалаларни кўтариб чиқади. Ижтидорли режиссёр фаолиятининг ана шу жиҳатлари эса таҳсинга сазовордир.

Н. КОПЕЙКИС.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ЧОРШАНБА

8 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар.
10.00 «Ҳаво пиёдалари». Бадиий фильм.
11.15 Халқаро конкурслар лауреати А. Гаврилов чалади [фортепьяно].
12.05 «Киносаёҳатчилар клуби».
13.05 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Комсомол — менинг тақдирим». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 Гандбол бўйича жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. Финал группалар командалари матчи. Венгриядан олиб кўрсатиладн.
16.40 «Рус тили».
17.10 «Объектив».
17.40 Грузия ССР халқ артисти М. Яшвили чалади [скрипка].
18.45 «Фан оламида».
18.00 «Горничлар, қаердасиз?».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Бригада нимага қодир».
20.00 С. В. Рахманинов романсларини Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати А. Аблабердиева ижро этади.
20.15 «Уғрилик». Ж. Лондоннинг шу номли пьесаси асосида телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Уғрилик». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 Москва ҳақида ҳужжатли фильмлар.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Фестивалдар... Конкурслар... Концертлар...».
19.35 «Гватемала — жароҳатлардан ясалган гулчамбар». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Тюмень филармонияси рус халқ чолғу ансамбли чалади.
21.00 Спорт ҳафталиги.
21.30 «Время».
22.05 О. Тактакишвилининг «Мусуси» комик операси. Москва музикали камер театрининг спектакли.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Ботаника. Илдиз. Тузилиши, хилма-хиллиги ва аҳамияти.
12.00 «Кўринмас дала». Ҳужжатли фильм [«Ўзбектелефильм»].
12.30 Рус адабиёти. В. Маяковский ижодида Ватан мавзуи [рус.].

* * *

17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви.
18.15 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» [Тошкент] — АСК [Киев]. Репортаж [7 декабрда ёзиб олинган].
18.45 «Актёрлар ва роллар». Эркин Комилов.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Актёрлар ва роллар». Эркин Комилов [давоми].
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». Хоразм области қишлоқ хўжалиги илғорларига бағишланган концерт.
23.05 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» [Тошкент] — «Алмаз» [Москва]. Репортаж [ёзиб олинган].
23.40 Янгиликлар.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р—07540.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*
ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33, Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32- 33-81-42. 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.
Нашрнёт диспетчери — 32-78-94. Нашрнёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1181. 14